УзССР Давлат нашриёт қўмитаси
26 НОЯ 1991

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛК СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, ЖУМОД АЛ-АВВАЛ, 12-КУН.
ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, ҚАВС, 1-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган. 1991 йил 19 ноябрь, сешанба, 223-сон

НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН, СОТУВДА 10 ТИЙИН.

АХБОРОТ

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

18 ноябрь куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессияси иш бошлади.

Сессияни Олий Кенгаш раиси Ш. М. Йўлдошев кириш нутқи сўзлаб очди.

Депутатлар сессия котибиятини сайладилар ва сессия кун тартибини тасдиқладилар. Олий Кенгаш муҳокамасига 29 та масала киритилган.

Улар орасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги, Президент сайлови ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисидаги, ногиронларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги, мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги, ижара тўғрисидаги, давлатнинг ёшларга доир сиёсати асослари тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг Давлат тамғаси тўғрисидаги, аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги, ҳакамлик суди ва давлат низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисидаги қонун лойиҳалари ва бошқа масалалар бор.

Давлат байроғи тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида Миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият масалалари комитетининг раиси П. Қ. Қодиров сўзга чиқди. Муҳокамадан сўнг қонун қабул қилинди.

Иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги шартнома ҳақида, Мустақил Давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги шартнома лойиҳаси ҳақида, Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжон Республикаси, Украина, Беларусь Республикаси билан тузган давлатлараро шартномаларни тасдиқлаш ҳақида, РСФСР билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий битим ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов маъруза қилди.

Олий Кенгаш давлатлараро шартномаларни тасдиқлади.

Депутатлар Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Ҳ. Халиловнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги ва референдуми ҳақидаги қонунларнинг лойиҳалари тўғрисидаги масалалар юзасидан қилган маърузаларини тингладилар.

Моддама-модда муҳокама қилингандан сўнг қонунлар қабул қилинди. Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини 1991 йил 29 декабрга тайинлади. Шу куни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдум, шунингдек Тошкент шаҳри ҳокимининг сайлови ҳам ўтказилади.

Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Назорат палатасини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган қонун лойиҳаси ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи тузилди.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояланиши ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Фахрийлар ва ногиронлар ишлари комитетининг раиси Р. Ҳ. Абдуллаев маъруза қилди. Бу қонун ҳам қабул этилди.

Депутатлар «Мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини муҳокама қилишга киришдилар. Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш комитетининг раиси Э. Н. Ҳўжаев маъруза қилди.

Музокараларда халқ депутатларидан С. Бобомуродов, А. Исаев, Ҳ. М. Мансуров, М. Саидов, Т. Ҳошимов, А. Юсупов, К. А. Исроилов, Э. Ҳакимов, Ҳ. З. Низомиддинов сўзга чиқдилар.

Олий Кенгаш сессияси ўз ишини давом эттиради.

(ЎзТАГ).

Сураткаш Е. БОТИРОВ.

Сессиядан лавҳалар:

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 1991 йил 29 декабрь, якшанба кунига белгилансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1990 йил 24 мартда сайлаган Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг ваколатлари умумхалқ сайловида ғолиб чиққан президентликка номзод ўз вазифасини бажаришга киришган куни тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 18 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. 1991 йил 29 декабрь, якшанба куни Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикаси референдуми ўтказилсин.

2. Референдумда овоз бериш бюллетенига масала қуйидаги таърифда киритилсин: «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини маъқуллайсизми?»

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 18 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НИЗОМИ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Маълумки, биринчи ноябрь куни Ўзбекистон халқ демократик партиясининг таъсис съезди бўлган эди. Унда партиянинг дастури ва низоми тасдиқланган, раҳбар органлари сайланганди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг мажлисида Ўзбекистон халқ демократик партиясининг низоми рўйхатга олинди.

Ўзбекистон «Прометей» ватанпарварлик қидирув бирлашмасининг, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг, «Мовароуннаҳр» хайрия уюшмасининг низомлари ҳам рўйхатга олинди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши комитетларида

16 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Чет мамлакатлар билан алоқалар комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни комитет раиси П. Қ. Ҳабибуллаев олиб борди.

Мажлисда суверен давлатлар иқтисодий ҳамжамияти тўғрисида шартнома хусусидаги, Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасидаги давлатлараро муносабат асослари ҳақидаги шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабат асослари тўғрисидаги шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабат принциплари тўғрисидаги шартнома ҳамда РСФСР билан Ўзбекистон Республикасининг расмий делегациялари ўртасидаги музокараларнинг якунлари юзасидан баёнот хусусидаги масалалар муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Мажлисда қонун ҳужжатларига мувофиқ ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси божхона хизматининг роли ҳамда комитетнинг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги қонунни бажариш соҳасидаги тадбирлари ҳақидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

17 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комитет раиси Э. Ҳ. Халилов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, баъзи вилоят ва Тошкент шаҳар судларининг таркибидаги ўзгаришлар ҳақидаги масала кўриб чиқилди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳаси (иккинчи ўқишда), Ўзбекистон Республикаси «Ҳакамлар суди ва хўжалик низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасидан товар-моддий бойликларни ташқарига олиб чиқиб кетиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик ҳақида»ги қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Ушбу қонун лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида депутатлар томонидан билдирилган бир қанча таклиф, қўшимча ва ўзгартишлар эътиборга олинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий қонуни)нинг 107-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари ҳақидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

РЕСПУБЛИКАНИНГ ДАВЛАТ ТАЪМИНОТИДАГИ АҲОЛИСИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА МАДАД БЕРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг давлат таъминотидаги аҳолиси моддий ва ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни таъминлаш мақсадида:

1. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот, фан ва уй-жой коммунал тармоқлар (номоддий ишлаб чиқариш соҳалари) ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 40—50 фоиз оширилсин.

2. Олий ўқув юртлари студентларининг, техникумлар ҳамда республика ҳукуматининг қарорларига биноан кийим-кечак ва овқат билан таъминланаётган ҳунар-техника билим юртлари талабаларининг стипендиялари 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб ўрта ҳисобда 30 фоиз оширилиб, имтиёзли овқатланишга қўшимча ҳақ аввалги миқдорда сақлаб қолинсин.

3. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг кам миқдори ойига 200 сўм ҳажмида белгилансин. Бунда ишламайдиган пенсионерларга бериладиган ойлик компенсация тўловлари аввалги миқдорда сақлаб қолинсин.

4. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг кам миқдори ойига 200 сўм ҳажмида белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчилари, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш ҳақида»ги 1990 йил 13 ноябрь фармони 1992 йил 1 январидан бошлаб республика ҳунар-техника таълими системаси ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарига ҳам жорий этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси ўн кун муддат ичида мазкур фармонни амалга ошириш юзасидан ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи қарор лойиҳасини тайёрласин ва кўриб чиқиш учун тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддат ичида амалдаги қонунчиликни мазкур фармонга мувофиқлаштириш ҳақида таклифлар киритсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 16 ноябрь.

ФАРМОНГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти чиқарган ушбу фармон бозор иқтисодиётига ўтишнинг мураккаб даврида республика аҳолисининг моддий ва ижтимоий турмуш шароитини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Бозор муносабатларининг қарор топиши оғир кечадиган жараён бўлиб, таркиб топган хўжалик алоқалари издан чиқмоқда, нарх-наво қимматлашмоқда ва кўпгина истеъмол моллари тақчил бўлмоқда. Шундай қийин шароитда ва аҳолининг турмуш даражаси кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида аҳоли барча тоифаларини ва биринчи галда энг камбағал табақалари — пенсионерлар, ногиронлар, ўқувчи ёшлар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан қатъий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Кейинги вақтнинг ўзидагина умумий таълим мактаблари, олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг, илмий ходимлар, соғлиқни сақлаш ва маданият ходимларининг маошлари қайта кўриб чиқилди. Аспирантлар, талабалар ҳамда техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари миқдори кўпайтирилди.

Пенсиялар ва нафақалар миқдори оширилди, болаларга тўланадиган нафақаларнинг янги турлари жорий этилди. Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронлари, ҳалок бўлган жангчиларнинг оилалари, байналмилалчи жангчилар, пенсионерлар, ўқитувчилар ва болалар уйларининг тарбиячилари коммунал хизматлардан, транспортдан фойдаланишлари учун қўшимча имтиёзлар белгиланди.

Республика аҳолисини қатъий нархларда сотиладиган энг зарур моллар билан тайёрланган тарзда таъминлаш жорий этилди. Мактаб формаси ва болалар пойабзалининг чакана нархлари арзонлаштирилди. Нарх-наво ошганлиги муносабати билан компенсацияларнинг энг кам миқдори 100 сўмга етказилди.

Ўз вақтида қабул қилинган ана шу ва бошқа тадбирлар чакана нархлар ислоҳ қилинишининг салбий оқибатларини бирмунча пасайтириш имконини берди, жумҳуриятимиз аҳолиси турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймади.

Айни вақтда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бугунги кунда давлат таъминотидаги ва қатъий белгиланган даромадга эга бўлган ҳамда қўшимча иш ҳақи олиш имконияти чекланган кишиларнинг аҳволи ҳамон қийин бўлиб қолмоқда. Бу, энг аввало, ишламаётган пенсионерлар, студентлар, ноишлаб чиқариш соҳасининг ходимларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу фармони аҳолининг айни ана шу тоифасини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашни кучайтиришга қаратилган. Фармонга биноан 1992 йилнинг январидан бошлаб республика аҳолиси катта қисмининг турмуш даражасига мадад беришга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни жорий этиш кўзда тутилади.

Белгиланган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш натижасида халқ таълими, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, ижтимоий таъминот, уй-жой коммунал хўжалик ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи 40—50 фоиз кўпайтирилади. Етакчи касб мутахассисларининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори бир ярим баравар ёки 200—250 сўм кўпаяди. Қарийб 1 миллион 750 минг кишининг маоши оширилади. Ана шу мақсадларга 1992 йилда жумҳурият бюджетидан 4,4 миллиард сўм ажратиш мўлжалланган.

Фармон қоидалари ноишлаб чиқариш соҳаси ходимлари манфаатларигагина эмас, шу билан бирга республика меҳнаткашларининг амалда барча тоифаларига тааллуқлидир. 1992 йилнинг январидан бошлаб энг кам иш ҳақининг янги, бирмунча юқори даражаси — 200 сўм ҳажмида белгиланади. Шу муносабат билан фуқароларнинг ойига икки юз сўмгача бўлган даромадидан солиқ олинмайди.

Ўқувчи ёшлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш диққат марказида бўлади. Маълумки, 1990 йилнинг 2 сентябридан аспирантларнинг, олий ўқув юртлари студентларининг, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари талабаларининг стипендиялари 30 фоиз оширилган эди. Ҳозирги вақтда олий ўқув юртларида энг кам стипендия ойига 120 сўмни, техникумлар талабаларининг стипендияси 100 сўмни, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендияси ўқиш муддати ва дастурига қараб 40 ва 80 сўмни ташкил этади. 1992 йилнинг январидан бошлаб талабалар ва ўқувчилар стипендияларининг миқдори яна 30 фоиз оширилади. Бу тадбир тахминан 360 минг кишига тааллуқлидир ва 152 миллион сўмни талаб этади.

Жумҳуриятимизда 2 миллиондан ортиқ ишламаётган пенсионер истиқомат қилади ва улар моддий фаровонлигининг асосий манбаи ана шу пенсиядир. Уларнинг турмуш шароитини бир мунча яхшилаш учун янги йилдан бошлаб меҳнат пенсиясининг энг кам миқдори оширилади ва ойига 200 сўмдан иборат бўлади. Бунда ойлик компенсация тўловлари аввалги миқдорда сақланиб қолади. Ана шу мақсадларга қўшимча равишда 2,5 миллиард сўм маблағ сарфланади.

Ҳунар-техника билим юртларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг иш ҳақи оширилиши билан бир қаторда улар учун қўшимча моддий имтиёзлар ҳам жорий этилади. Эндиликда улар ҳам умумий таълим мактабларининг ўқитувчилари ва болалар уйларининг тарбиячилари сингари якка тартибда уй-жой қуриш учун биринчи навбатда ер участкалари олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Ҳунар-техника билим юртларининг қишлоқ жойларда ва шаҳар типидаги қўрғонларда яшайдиган ходимлари квартира ва коммунал хизматларга ҳақ тўлашдан озод қилинадилар, шаҳарларда яшайдиганлар учун эса ана шу тўловлардан 50 фоиз чегириш белгиланади. Ҳунар-техника билим юртларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарига ҳозирги вақтда ўзлари яшаб турган давлат ва идораларга қарашли уйлар ҳамда квартираларни бепул шахсий мулк қилиб олиш ҳуқуқи берилди.

Фармонда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун 1992 йилда қўшимча тарзда 7,1 миллиард сўм маблағни қидириб топиш ҳамда жумҳуриятбюджетидан, пенсия жамғармаси ва бошқа манбалардан ажратиш талаб этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИГА

Сўзимизнинг аввалида шуни ифтихор билан айтамизки, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши республикамиз, халқимиз ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолди. Бу истиқлолни, эркинликни Ўзбекистон неча ўн йиллардан бери кутарди. Ўша чоризм босқинидан кейин эркинлигини йўқотган халқ учун мустақиллик тенгсиз бир ғалабадир. Ким қандай баҳоламасин, қандай фикрламасин, бу воқеа тарих қатида мангу қолади. Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритишида, шубҳасиз, республикамиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хизмати бебаҳодир. Ҳа, Ўзбекистон учун, унинг келажаги учун, халқимизнинг бахт-иқболи учун бугун ана шундай журъатли, мард ўғлонлар майдонга чиқиши керак.

Не бир машаққатлар эвазига эришилган мустақилликни ҳар биримиз дадил ҳимоя қилишимиз зарур. У, аввало, бирликни, яқдилликни, фаол ҳаракатни талаб этади. Халқимизда бўлинганни бўри ер, деган нақл бор. Бугун турлича қарашлар, фикрлашлар, воқеаларга турлича муносабатда бўлишлар борлигини инкор этмаймиз. Лекин миллий мустақилликни сақлаб қолишдек улуғ иш гина-кудуратни йиғиштириб қўйишни, халқимиз орзу қилган эзгу йўлни бошлаб берган Президент ва ҳукумат атрофига маҳкам жипслашишни тақозо қилади. Биз ҳозирги мураккаб дамларда шуни унутмайликки, бошқача фикрлаш, маҳаллийчиликка берилиш, турли гуруҳларга бўлиниш — мустақилликка зарба бўлиб тушади, мустақиллик душманлари ҳаракати учун йўл очади.

Ҳаммамизга яхши маълумки, жумҳуриятимиз тараққиёти, аввало, иқтисодиёт билан боғлиқдир. Президент ана шу соҳани чуқур билмоғи, иқтисодиётни мустаҳкамлаш учун астойдил курашмоғи лозим. И. А. Каримовнинг бугунги актив ижтимоий-сиёсий фаолиятини кузатиб, ишонч билан айта оламизки, бу борада унда журъат, билим, иқтидор етарли. Бинобарин, шундай экан, бугун республикамиз президентлигига И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш адолатли бўлур эди.

Дарҳақиқат, Президент кейинги пайтларда журъат билан катта ишларни амалга оширмоқда. Ўзингиз ўйлаб кўринг, кечагина бошимизга қандай кулфатлар тушганди. Меҳнаткаш, жафокаш ўзбек халқи шаънига ҳеч бир асоссиз таъналар ёғилди. У таҳқирланди, камситилди. «Ўзбеклар иши»нинг ихтирочилари эса тап тортмай, чор-ночор турмуш кечириб келган деҳқонга ҳам, бошқа раҳбарларга ҳам ниҳоятда шафқатсизларча муносабатда бўлдилар. Бу кўргиликни қарангки, марказдан юборилган тергов гуруҳининг қилмишлари, адолатсизликлари туфайли республикамизда сал нарида бундай бош кўтариб юролмай қолдик. Надоматлар бўлсинки, Ўзбекистонда уларнинг мушугини «пишт»деган бирон киши топилмади. Фақат сўнгги йиллардагина бу ишга катта журъат ва қатъият билан киришилди. Ноҳақ айбланган қанча-қанча кишиларнинг юзи ёруғ бўлди. Бевосита Президентнинг фармони билан минглаб кишилар қамоқхоналардан озод этилди. Уларнинг кўплари ўз вазифаларига тикландилар.

Президент, республикамиз ҳукумати кейинги пайтларда қишлоқ турмуш маданиятини оширишга, одамларнинг фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор бераётганлигини таъкидлаш лозим. Қишлоқ хонадонлари тез суръатлар билан газлаштирилмоқда, водопровод тармоқлари кенгаймоқда. Одамларни уй-жой билан таъминлаш яхшиланди, уларга етарли миқдорда ер участкалари ажратилмоқда. Шахсий хўжаликни ривожлантириш, турмуш шароитини яхшилаш учун барча имкониятлар яратилаяпти. Буларнинг ҳаммасидан халқ беҳад мамнун бўлмоқда, республикамиз раҳбарларига миннатдорчилик билдирмоқда.

Динимиз, эътиқодимиз тинчланаяпти, халқимизнинг кўпгина ажойиб урф-одатлари, анъаналари рўшнолик кўрди. Булар ҳам қалбимизни эзгуликка лиммо-лим этиб, барчамизни юксак орзу-истаклар сари руҳлантирмоқда.

Биз Президентнинг ва ҳукуматимиз бошқа раҳбарларининг мустақиллик йўлида бундан кейин ҳам дадил ҳаракатни сусайтирмасликларини истардик. Бу борада уларни доимо қўллаб-қувватлайдиган қудратли куч — халқ, фаоллар бор эканлигини доимо ҳис қилишсин. Зеро, И. А. Каримовнинг ўзи айтганидек, энди мустақиллик йўлидан ортга қайтиш йўқ. Энг муҳими, Президентнинг марказ ва бошқа кучлар тазйиқларидан ҳайиқмасдан мустақил Ўзбекистон халқи номидан дадил иш кўришини истаймиз ва бу йўлда унинг ҳаракатини қўллаб-қувватлаймиз.

Бизнинг бугунги бахтиёр онларимизга, дадил қадамларимизга хорижидаги ватандошларимиз, миллатдошларимиз ҳам катта хайриҳоҳлик билан қарамоқдалар. Мусулмон дунёси ва илғор қарашли эркпарвар кишилар, айниқса хорижидаги ватандошларимиз миллий истиқлолни чексиз қувонч билан кутиб олдилар. Юртдошларимиз ва бошқа бир қатор хорижий мамлакатлар вакиллари билан Тошкентда бўлган учрашувлар, шубҳасиз, Ўзбекистон мустақиллигига, унинг музаффар қадамига хизмат қилади. Президентимизнинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатларига муваффақият тилаймиз.

Мустақилликка эришганлигимиз чин бўлсин, истиқлол устивор бўлсин. Бугун ҳур ўзбек диёрида ҳар бир киши ана шу мустақиллик туйғуси билан яшаяпти. Бу ҳаракатнинг абадийлигини тасдиқлаш ва таъминлаш учун, бизнинг назаримизда, Президентни умумхалқ иштироки билан сайлаб олишимиз керак. Вив Ислом Абдуғаниевич Каримовни президентлик учун ягона муносиб номзод деб биламиз.

Бутун Самарқанд вилояти аҳли номидан:
халқ депутатлари вилоят совети ижроия комитетининг раиси Т. ҚИЛИЧЕВ.

Олимлар номидан:
СамДУ профессори, филология фанлари доктори С. МИРЗАЕВ.

Фахрийлар номидан:
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, уруш ва меҳнат фахрийси И. ЗОКИРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғига оид қонун лойиҳаси ҳақида Миллатлараро муносабат масалалари, тил ва маданият комитетининг раиси П. ҚОДИРОВ маърузаси

Давлат байроғи — бу, аввало, мустақиллик рамзидир. Ҳар бир мустақил мамлакат ўзининг такрорланмас табиатини, тарихини, миллий руҳини ва энг яхши анъаналарини Давлат байроғидаги рамзлар орқали бутун жаҳонга кўрсатишга ҳаракат қилади. Айни вақтда, Давлат байроғи мазкур мамлакат халқини ўз атрофига тўплайдиган, уни яхлит миллатга айлантирадиган, шодиёна пайтларида ҳам, қийинчиликларни енгиб ўтишда ҳам бутун жамиятнинг руҳий кучларини бирлаштиришга ёрдам берадиган хусусиятга эга бўлиши керак.

Давлат байроғига қўйиладиган шу талабларни ҳисобга олган ҳолда Олий Кенгашимизнинг эксперт комиссияси ва бу ишга жавобгар қўмиталари сўнгги бир неча ой давомида жиддий ижодий изланишлар қилдилар, жамоатчилик вакиллари иштирокида муҳокамалар ва танловлар ўтказдилар. Янги байроқ танловининг дастлабки натижалари олтинчи сессияда кўриб чиқилди. Бироқ ўшанда тақдим этилган лойиҳалар кўпчилик депутатларимизни қониқтирмагандан сўнг ижодий изланишлар ва танловлар яна давом эттирилди. Ниҳоят, ўтган еттинчи сессияга тақдим этилган Давлат байроғининг учта муқобил лойиҳаларидан иккинчиси қизғин муҳокамалардан сўнг кўпчилик овоз билан қабул қилинди.

Ўша дақиқаларни яна бир кўз олдимизга келтирайлик. Куни бўйи ҳаяжонли мажлис ўтказиб, кечки пайт соат 18.00 ларда бир оз толиққан пайтимиз эди. Шунга қарамай, мустақиллигимиз рамзи бўлган янги байроқ танловда голиб чиққан аснода бутун зал бирдан жонланиб кетди, овоз бериш натижаси қизғин қарсаклар билан кутиб олинди. Ҳамма ўрнидан турди. Ҳатто бошқа муқобил лойиҳаларга тарафдор бўлиб сўзлаган депутатларимиз ҳам тантилик билан ўринларидан туриб, янги қабул қилинган байроққа ҳурмат билдирдилар. Чиндан ҳам тарихий ҳодиса юз берди. Қабул қилинган байроғимизнинг мовий оқ ва яшил ранглари, янги туғилган мустақиллигимиз ҳамда ислом билан боғлиқ қадимий маданиятимиз рамзи бўлган янги ой, халқимиз яхши кўрадиган наврўз йилномасини ифода қилувчи наврўзий юлдузлар — ҳаммаси минг йиллар давомида шаклланган миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирганлиги туфайли ўтган сессияда парламент аъзоларининг олқишига сазовор бўлди.

Ўша сессияда қабул қилинган қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида тайёрланган қонун лойиҳаси қўлларингизда бор. Унинг ҳамма модда ва бандларини батафсил таҳлил қилишга ҳожат бўлмаса керак.

Фақат тўртинчи моддада байроқ рамзларини, ой ва юлдузларни қандай жойлаштириш ҳақида жамоатчилик орасида ҳам, бизга келган хатларда ҳам икки хил фикр бор. Биринчи фикр — кўпгина мусулмон мамлакатларида бўлгани каби ойни лойиҳада кўрсатилганидек байроқ дастасининг чап томонига мовий рангли энга жойлаштириш. Унда байроқдаги ой — янги туғилган табиий ойга айнан ўхшамайди. Иккинчи таклиф бўйича байроқ дастани матонинг ўнг томонига жойлаштириш керак. Ўшанда ой худди табиатдаги янги ой каби очиқ томони чапга, дўнг томони ўнгга қараб туради.

Биз ҳар иккала таклифни ҳисобга олиш йўлларини излаб кўрдик. Дунёдаги давлат байроқлари орасида рамзлари икки томонга ҳам бирдай нақш этилганлари бор экан. Масалан, АҚШ байроғининг рамзлари иккинчи томонидан ҳам кўриниб туради.

Биз ҳам ой ва юлдузларни байроқнинг ҳар икки томонидан кўринадиган қилиб нақш этсак, юқоридаги ҳар икки тилакни ҳам қондиришимиз мумкин. Шунинг учун қонун лойиҳасининг тўртинчи моддаси, тўртинчи бандига «ой ва юлдузлар байроқ матосининг ҳар икки томонидан кўринадиган қилиб нақш этилади» деган бир жумла киритиш мақсадга мувофиқ келади. Бошқа фикр мулоҳазалар бўлса, марҳамат, биз эшитишга тайёрмиз.

Депутат ўртоқлар! Қонун лойиҳасида кўрсатилганидек, Давлат байроғи Президент қароргоҳи ва Олий Кенгаш бинолари устида доимо кўтарилган бўлиши керак. Сессия бўладиган кунларда қонун бўйича мана шу залнинг тепасида ҳам байроқ кўтарилган бўлиши лозим. Уммон кемаси қурилиб денгизга туширилганда ва сафарга отланганда байроқ кўтариш маросими бўлади. Мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳам ҳаёт уммонига тушди, жаҳон бўйлаб узоқ сафарларга отланяпти. Орзуйимиз шулки, биз қонунлаштираётган байроқ бутун жамиятимизни, бутун миллатимиз ва халқимизни улуғ мақсадлар атрофига жипслаштирсин. Келажакда янги байроғимиз жаҳоннинг турли мамлакатларида қад кўтарадиган элчихоналаримиз пештоқида ҳилпираб турсин. Неча минг йиллик тарихий тараққиёт давомида бизнинг халқимиз жаҳон халқларининг сафида ўзига муносиб ўрин эгаллаб келган. Нью-Йоркка борганда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг муҳташам биноси олдида турган юздан ортиқ мамлакатларнинг байроқларини кўрдик. Уларнинг орасида бизнинг байроққа айнан ўхшайдиган бирорта байроқ йўқ. Демак, бизнинг такрори йўқ байроғимиз БМТ биноси олдидан ўзига муносиб ўрин олиши керак. Ўша кунга етиш учун биз ҳамжиҳатлик, якдиллик билан кўп яхши ишлар қилишимиз лозим. Тарихда қоладиган ана шундай яхши ишларимиздан бири — Ўзбекистоннинг Давлат байроғига қонун кучини беришдир. Муҳтарам парламент аъзолари, мен сизларни мана шу олижаноб ишга ҳисса қўшишга даъват этаман!

ЛОЙИҲА

Ўзбекистон Республикасининг қонуни

ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР НАРХИ ЎЗГАРИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНИНГ ПУЛ ДАРОМАДЛАРИНИ ИНДЕКСАЦИЯЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу қонун истеъмол моллари ва кўрсатиладиган хизматлар нархи ўзгариши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг пул даромадларини индексациялашнинг кафолатлари энг кам миқдорини, асосий қоидалари ва умумий тартибини белгилаб беради.

1-модда. Индексациялаш мақсади

Пул даромадларини индексациялаш истеъмол силсиласига кирувчи моллар ҳамда хизматлар нархи жорий тарзда ошиши натижасида аҳолининг пул даромадларини ўз-ўзидан мослаб бориш тартибидан иборатдир.

2-модда. Индексациялаш моҳияти

Индексациялаш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган ҳар бир оиланинг энг кам миқдордаги истеъмол бюджетининг қиймат ифодасини ўзида мужассам этувчи истеъмол силсиласига кирадиган озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат моллар ва хизматлар жамламаси юзасидан давлат савдоси ва кооператив савдода, деҳқон бозорларида нархлар ўзгаришини статистика қузатуви асосида амалга оширилади.

Истеъмол моллари ва кўрсатиладиган хизматлар нархи ва тарифларининг ўзгаришини кузатув, нархларнинг ўсиши (индекси) фоизини ҳисоблаб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг нарх-навони қайд этиб бориш махсус хизмати томонидан амалга оширилади ва ой сайин матбуотда расмий равишда эълон қилиб борилади.

3-модда. Индексациялаш объектлари

Совет сўмларидаги пул даромадларининг ҳамма турлари, шу жумладан асосий иш жойидаги ва ўриндошлик йўли билан ишланаётган жойдаги иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, доимий компенсациялар ҳамда бир йўла тўланмайдиган бошқа даромадлар, шунингдек аҳолининг СССР Жамғарма банкидаги жамғармалари, давлат заёмлари, акциялар ва шунга ўхшаш бошқа қимматли қоғозлар индексация қилинади.

Фуқароларнинг ўз мулкидан келадиган, мол-мулкни ижарага беришдан оладиган пул даромадлари, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлардан келадиган даромадлар (давлат қимматли қоғозлари бундан мустасно), деҳқон (фермер) хўжалиги ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритишдан, якка тартибдаги хўжалик фаолияти ва фуқаро учун ўз мулкидан пул даромади олиш манбаи бўлиб хизмат этадиган бошқа шунга ўхшаш хўжалик фаолиятидан келадиган даромадлар индексация қилинмайди.

4-модда. Пул билан тўланадиган компенсацияларнинг миқдорлари

Аҳолининг турмуш кечиришнинг энг паст даражасидаги даромадлари тўла индексация қилинади. Турмуш кечиришнинг энг паст даражасини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг кенгаши билан келишиб туриб, беш йилда кўпи билан бир марта белгилайди.

Турмуш кечиришнинг энг паст даражасидан ортиқча даромадлар қисман индексация қилинади. Бунда турмуш кечиришнинг энг паст даражасига тенг даромаддан кейинги ҳар бир қисм баҳолар индексининг тегишли йўсинда 80, 70, 60, 50 фоизи миқдорида индексациялаланади. Пул даромадларининг турмуш кечиришнинг энг паст даражасидан беш баравар ортиқ бўлган миқдордаги қисми индексация қилинмайди.

Иш ҳақига белгиланган тартибда коэффициент қўлланиладиган ноҳияларда ва жойларда яшайдиган шахслар учун пул тўловларини ҳисоблаб чиқишда энг кам иш ҳақи ходимларнинг иш ҳақига коэффициент қўшимчасини ҳам инобатга олган ҳолда белгиланади.

Белгилаб қўйилган қафолатланган тарздаги даражадан ортиқча даромадларни индексациялаш касаба уюшмалари билан тузилган шартнома асосида ўз бюджети, маблағлари, фондларнинг маблағлари ҳисобидан ёки жамоа шартномаларида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади.

Пенсияларга, стипендияларга ва ижтимоий нафақаларга (бир йўла тўланадиган ёрдам пули бундан мустасно), шунингдек меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда ходимга етказилган шикаст ёки унинг соғлиғига бошқа йўсинда етказилган зарарни корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан қоплаш учун берилган пулларга пул билан тўланадиган компенсациялар уларнинг тўла миқдорини истеъмол моллар ва кўрсатиладиган хизматлар нархининг ўсиши (индекси) фоизига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ишлаётган пенсионерларга уларнинг хоҳишига кўра пул билан тўланадиган битта компенсация ёзилади, унинг ҳисоби пенсияга ёки иш ҳақига қараб чиқарилади.

5-модда. Индексациялаш манбалари.

Мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби принциплари асосида амалга оширадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда банд бўлган меҳнаткашларга пул билан тўланадиган компенсация ушбу корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Маҳсулотини ва хизматларини қатъий белгилаб қўйилган нархлар ва тарифлар асосида сотадиган ҳамда шунинг орқасида зарар кўрадиган хўжалик ҳисобидаги давлат корхоналарида банд бўлган меҳнаткашларга пул билан тўланадиган компенсациялар бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўз фаолиятини бюджетдан пул билан таъминлаш асосида амалга оширадиган ташкилотлар ва муассасаларда, аъзолик бадаллари ҳисобига иш олиб борадиган жамоат ташкилотларда банд бўлган меҳнакашларга, шунингдек ижтимоий истеъмол жамғармаларидан даромад (пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва шу кабилар) оладиган шахсларга пул тўловлари бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6-модда. Пул билан тўланадиган компенсацияга сарфланадиган маблағларга солиқ солиш тартиби

Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган пул билан тўланадиган компенсацияга сарфланадиган маблағлар меҳнатга ҳақ тўлашга қилинадиган харажатларнинг нормаланадиган миқдорига, шунингдек истеъмолга сарфланадиган маблағларнинг солиқ солинмайдиган миқдорига киритилади.

Ушбу Қонунда белгилаб қўйилган пул билан тўланадиган компенсацияга даромад солиғи солинмайди.

7-модда. Индексациянинг даврийлиги.

Даромадларни индексациялашнинг даврийлиги истеъмол моллари нархларининг ўсиш суръатларига қараб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Кенгаши билан келишган ҳолда белгиланади. Истеъмол моллари нархи бир квартал давомида уч фоизгача ўсгани тақдирда даромадларни индексациялаш бир йилда бир марта, уч фоиздан беш фоизгача ўсган тақдирда — ярим йилда бир марта, беш фоиздан 10 фоизгача ўсган тақдирда ҳар кварталда амалга оширилади. Нархлар бундан ҳам юқори суръатлар билан ўсган тақдирда даромадларни индексациялаш ҳар ойда ўтказилади.

8-модда. Пул билан тўланадиган компенсациялар бериш юзасидан чиққан низоларни ҳал этиш тартиби.

Индексация юзасидан келиб чиқиб, уларни тўлаш жойида бир ой мобайнида ҳал этилмаган низоли масалалар бир ҳафта муддат ичида юқори ташкилот томонидан кўриб чиқилиши керак. Агар бу ҳолда ҳам масала ҳал этилмаса, у белгиланган тартибда суд идоралари томонидан кўриб чиқилмоғи керак.

Қонун лойиҳасига доир ўз фикр-мулоҳазаларингиз ва таклифларингизни 1992 йил 15 январгача қуйидаги манзилгоҳга юборишингизни сўраймиз: **Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш қўмитаси.**

САРА, МЎЛ, САРХИЛ

ПАРКЕНТ РАЙОНИДАГИ «КОММУНА» ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИ ИЖАРАЧИЛАРИНИНГ ҲОСИЛИ ШУНДАЙ

Ижарачига қанча ер маъқул? «Уч гектар етарли», — дейишади ўз тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда Паркент районидаги «Коммуна» давлат хўжалиги ижарачилари ака-ука Маҳмуд, Номоз ва Саидакбар Қозоқбоевлар. Хўжаликни унумли, самарали юритиш, оилани тўқ, фаровон тутиш учун шунча майдон кифоя. Фақат ишнинг кўзини билиб чинакамига меҳнат қилиш, тер тўкиш даркор.

Хўжалик маъмурияти оға-ини ижарачилар звеносига уч гектар ер ажратиб, сув билан узлуксиз таъминлаш, зарур техникани бериш мажбуриятини олди. Ерни ҳайдаш, чопиқ қилиш, суғориш, ўташ, зарурат бўлса, ўғитлаш, ҳосилни йиғиштириш ижарачилар зиммасига тушди. Ижарадор пиёз етиштириш учун буюртма берди, табиийки, бунда ижарачиларнинг ва шу ерда яшовчи маҳаллий аҳолининг ҳам розилиги олинди. Қозоқбоевлар қандай ишга қўл уришаётгани, пиёз етиштириш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермаслигини тушундилар. Бироқ омад юришса, мўмай даромадга эга бўлишлари тайин, чунки пиёзга эҳтиёж йил сайин ўсса ўсаяптики, камайгани йўқ. Маҳоратга келсак, ака-укалар анчадан бери ер билан тиллашиб, унинг сир-асрорини биладиганлардан. Хуллас, совхозга қанча ҳосил топшириш юзасидан ҳам келишишди — 67 тонна. Бундан кўпи ўзларининг, қаерга, кимга сотиш инон-ихтиёрларида.

Биз хўжаликка ака-укалар мамнуният билан мавсум якунларини жамлаётган пайтда келиб қолдик. Демак, хирмон устидан чиқдик. Зеро, ижарачилар шу қадар мўл ҳосил етиштирдиларки, мутахассисларнинг фикрича, бунақаси жуда кам учрайди. Уч гектар ердан 167 тонна пиёз олиш ҳазилакам ишми?! Давлат буюртмаси бажарилишининг ўзигина ижарачиларнинг ҳамёнини тўлдирди. Режадан ташқари етиштирилган 100 тонна пиёз қаёққа кетди, дерсиз? Баъзилар Тошкент бозорига олиб бориб сотишгандир ёки сибирликларга пуллаб, бирон бир тақчил молга, айтайлик, ёғоч-тахтага айирбошлагандирлар, деб ўйлашар. Униси ҳам, буниси ҳам эмас. Қозоқбоевлар гарчи маҳсулот харидоргир, уни у ёқ-бу ёққа элтиб пуллаш имконига эга бўлсаларда, ўзларини уринтириб ўтирмадилар — маъмурият таклифига рози бўлиб, ҳар килосини 1,5 сўмдан совхознинг ўзига сотиб қўя қолдилар. Ака-укаларнинг ҳар бирига нақд 35 минг сўмдан пул тегди. Меҳнат — таги роҳат, деганлари шу эмасми?

Дарвоқе, бу йил табиат ҳам деҳқонга қарашди, бошқача айтганда, худо ёрлақади. Куз ҳавоси яхши келди, бу эса маҳсулот сифати, унинг сақланиши учун муҳим омил. Бироқ об-ҳаво ўз йўлига, иш эса ўз йўлига. Нўноқ ва ялқовлиги сабабли энг қулай келган йилларда ҳам ёлчитиб ҳосил олмаётган деҳқонлар кўп. Бунақаларни узоқдан қидириш шарт эмас — «Коммуна» совхозининг ўзида ҳам бор.

Пиёз эккан бошқа звенолар ҳам юқори натижаларга эришдилар. Умуман совхоз бўйича 1.600 тоннадан зиёд пиёз йиғиштирилди. Унинг катта қисми давлатга сотилди. Хўжалик манфаатлари ҳам унутилмади. Тобора қадрсизланаётган пулга совхоз ўзига зарур нарсаларни сотиб ололмаётир. Шу боисдан ҳосилнинг бир қисми мол айирбошлаш учун сақлаб турилибди. Сибирлик харидорлар қишлоқ хўжалиги техникаси, металл, ёғоч-тахта ваъда қилишди. Албатта, мол айирбошлашда озиқ-овқатнинг нархи тобора ошиб бораётгани ҳисобга олинади.

Шуниси муҳимки, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг биз юқорида қайд этган шакли хўжалик шароити ва ходимлар манфаатига жуда мос. Қозоқбоевлар звеноси К. Ҳусанов бошлиқ кўп тармоқли бригадага қарайди ва асосан пиёз етиштиришга ихтисослашаяпти. Шу жамоадаги бошқа звенолар эса помидор, бодринг, сабзи, картошка, озуқа лавлаги, силос учун маккажўхори сингари экинлардан бирини етиштиришга ихтисослашган бўлиб, бу ҳақда хўжалик маъмурияти билан ижара шартномаси тузган. Шундай экан, бригадирнинг нима кераги бор, деган савол туғилади. У одатда оилавий, ихчам меҳнат жамоаларининг ишини мувофиқлаштириб боради, ҳужжатларни расмийлаштиради, деҳқонлар ҳуда-беҳуда хўжалик идорасига қатнайверириб, қимматли вақтларини бой бермаслиги учун ижарачилар билан маъмурият ўртасида воситачилик вазифасини бажаради. Битим шартларининг тўла рўёбга чиқаришини назорат қилади.

Куз ижарачилар учун ғалвирни сувдан кўтарадиган пайт. Ким қандай ишлагани яққол кўринадиқўяди. Шу боисдан Ҳусанов учун илғорларни кўрсатиш қийин иш эмас. Шундай бўлсада у бироз мушоҳада қилиб олгач, картошкакорлар звеносини тилга олади. Улар ҳар гектар ердан 260-280 центнердан ҳосил кўтардилар. Статистика маълумотларига кўра, мамлакатда картошка ўртача ҳосилдорлиги гектарига 99 центнерни ташкил этади. Юнусов звеноси эришган натижалар энг билимдон мутахассисни ҳам қойил қолдиради. Чунки улар ўзларига бириктирилган 1,3 гектар майдондан салкам 17 тонна эртаги картошка кавлаб олдилар ва давлат буюртмасини ёздаёқ уддаладилар. Кузги ҳосил чўғи ҳам қарийб шунга тенг бўлди. Ҳали ҳосилнинг бари сотилгани йўқ, бироқ даромаднинг мўмай бўлиши, ҳамён семириши сезилиб турибди. Тер тўкканга ер тўкади, деганлари шуда!

... Мисоллар кўп, мисоллар талай, бири-биридан мароқли ва мазмунли.

— Улар нимадан далолат? — сўрайди хўжалик раҳбари, республика халқ депутати Аширмат Ҳожиматов ва саволига ўзи жавоб беради. — Авваламбор, деҳқон меҳнатининг самараси, қолаверса, меҳнатга яраша ҳақ тўланаётганининг меваси. Деҳқонга эмин-эркинлик тегса, икки ҳисса ғайрат билан ишлайди.

Аширмат Ҳожиматов амалдаги қишлоқ хўжалик йилини совхоз учун туб бурилиш босқичи деб таърифлади ва бир қанча далиллар келтирди.

— Турмуш яхшиланиши учун йўл очилди, буни хўжаликдаги барча кишилар яққол ҳис эта бошладилар. Йил якунлари чиқарилгани йўқ, бироқ умумий даромадимиз бултургисидан икки ҳисса ортиқ бўлиши аниқ. Демак, фойда ҳам кўпаяди, у камида 2,5 миллион сўм бўлиши кутилмоқда. Ишчиларимизнинг ўртача ойлик иш ҳақи юз сўмдан товон пулини ҳисобга олмаганда тўрт юз сўмга яқинлашди.

— Лекин моддий фаровонлик тушунчаси бу ерда фақат иш ҳақидан иборат экан, деб ўйламанглар, — дея суҳбатга қўшилишди совхоз бош иқтисодчиси С. Тожиев ва бош бухгалтер Ш. Юнусов. — Хўжалигимизда республика Президенти фермонлари асосида қишлоқ аҳолиси турмуш тарзини яхшилаш учун иҳтимоий соҳага жиддий эътибор берилаётир.

Бу борада қандай ишлар амалга оширилди? Ҳар бир оилада томорқа учун ер берилди ва у кўпчилик хонадоннинг ишончли ҳаёт манбаига айланди. Аҳолига бир неча юз тонна дон ва ўз ғалламиздан тортилган ун сотилди. Давлат буюртмасига кўра 300 тонна дон етиштиришимиз лозим эди, биз уни ошиғи билан бажариб, омборларга 1.700 тонна дон ғамладик. 580 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 34,6 центнердан буғдой ва арпа ҳосили янчиб олдик. Қиёслаш учун айтиб ўтайлик: мамлакат бўйича ўртача дон ҳосилдорлиги гектарига 16,5 центнер. Ҳар қайси оила килоси 70 тийиндан 100 килограммгача пиёз сотиб олиш имконига эга бўлди. Шу кезгача аҳолига 110 бош қорамол, 300 бош қўй, 210 тонна пичан, 850 тонна сомон сотилди. Якка тартибда уй қурувчиларга давлат баҳосида 300 куб метр ёғоч пулланди. Кўп болали, кам даромадли оилалардан бир нечасига соғин сигир берилди. Қишлоқ аҳли турмушини яхшилаш тадбирлари давом эттирилаётир.

Муболағасиз айтиш мумкинки, хўжалик соҳибкорлари, сабзавоткору боғбонлари, чорвадорларининг кайфияти аъло! Бунинг учун асос бор-да! Муваффақиятдан қанотланган деҳқонлар кузги ер ҳайдаш ва бошқа дала юмушларини бошлаб юбордилар. Ҳамманинг кўнглида битта ният: келгуси йилга пухта тараддуд кўриш.

Икром АХМЕТОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Тошкент вилояти.

• *Қуйи советларда*

ТАДБИРКОРНИНГ ОШИҒИ ОЛЧИ

Жума ака бундан бир неча йил муқаддам бозорга киргандаги. Расталар оралаб, ёнғоққа харидор бўлди. Ҳар килограмм 7 сўмдан пулланяпти. Бу раснинг ҳамиятига тегди. «Ўзимизда етиштирилганида бу қадар қимматлашмасмиди» — дея узоқ ўйланди...

Айнан шу нарса туртки бўлди-ю Ғузор районида ҳам ёнғоқ ҳосили олиш мумкинлигини исботлашга аҳд қилди.

Ўша пайтда Жума Қодиров раислик қилаётган Гулшан қишлоқ кенгаши идораси ёнида ўн танобча ер бўларди. Ҳозир иморатлар қурилиб, бу ернинг учдан бири қолган. У шу бўш ерда ёнғоқ экиб, тажриба қилиб кўрмоқчи бўлди. Бозордаги энг яхши ёнғоқдан бир йўла 20 килограмм харид қилди. Ўша пайтда Ғузор район бозорига кўпроқ Ургут ва Шаҳрисабз томонлардан ёнғоқфурушлар келишаркан. Улар билан ёнғоқни қандай экиш, ўстириш ҳақида маслаҳатлашди.

— Бу дарахт салқин, тоғ олди сарҳадларида яхши ўсаркан — дейди Жума ака. — Шунинг учун ҳам Ғузор шароитида унинг кўкариши анчагина мураккаб кечди. Ёнғоқ экилган жўяклардан сув аримади. Экилган ҳосилнинг деярлик ҳаммаси униб чиқди. Қишлоқ кенгаши идораси ҳовлисида ёнғоқзор ташкил топди.

Кўчатлар икки йиллик бўлиши билан дастлаб қишлоқ кенгашига яқин хонадонлар, кейинроқ эса район ташкилотларидан харидорлар келаверишди. Ҳар бир кўчатнинг баҳоси 5 сўмдан белгиланди. Кимдир нақд пул тўлади, кимдир пул ўтказди. Банкда бунинг учун алоҳида ҳисоб очишга тўғри келди. Биринчи йили аҳолига ва турли ташкилотларга 1400 тупдан ортиқ ёнғоқ кўчати сотилди. Бундан кенгаш ҳисобига 7 минг сўм пул тушди.

Илгари қишлоқ кенгаши сессияларини ўтказиш билан боғлиқ ҳаражатларга район молия бўлими сармоя ажратмас, идора харажатлари, қоғоз ва бошқа жиҳозлар учун маблағ етишмас эди. Эндиликда бу муаммога чек қўйилди.

Бу соҳада эришилган дастлабки муваффақиятлар қишлоқ шўроси раиси Жума Қодировни ҳам, жамоа аъзоларини ҳам руҳлантирди. Мутахассислар маслаҳати билан арча кўчатлари етиштиришга киришилди. Бунинг учун куз ойларида арча дарахти уруғидан териб олиниб, офтобда қуритилди. Сўнгра ивитилиб, махсус жўякларга экилди. Шу тарзда тўрт сотих ерда бу дарахт кўчатлари етиштирилиб, ҳар бири 6 сўмдан пулланяпти. Бу давлат нархига қараганда 3 сўм арзон демакдир. Қишлоқ кенгаши ҳудудидаги мактаблар, врачлик амбулаториялари, тиббиёт пунктлари, район марказий касалхонаси, юқумли касалликлар шифохонаси сингари муассасаларга эса кўчат текинга берилди. Арча етиштириш йўлга қўйилган йилиёқ шўро ҳисобига 15 минг сўм пул тушди.

— Харидор бозор ёки дўкондан доимо сифатли ва ширин мева сотиб олишга ҳаракат қилади —дейди, қишлоқ кенгаши раиси. — Шунинг учун ҳам қишлоқ шўроси фаолларига сараланган шафтоли данагини йиғиш таклиф этилди. Чунки шафтоли кўчати пайванд қилинмаган тақдирда ҳам яхши ҳосилга киради. Қисқа вақт ичида 20 килограмм данак жамғарилди. Буни ҳам эздик. Натижаси кутилганидан зиёда бўлди. Икки йиллик шафтоли кўчати 3 сўмдан сотилди.

Қишлоқ шўроси ёнғоқ, арча ва шафтоли кўчати етиштириш бўйича Ғузор районининг базасига айланиб қолди. Райондаги қайси мактаб ёки ташкилотга борманг, кўзни яшнатиб турган, кўкка бўй чўзган адл арчаларни кўриб кувонасиз, шафтолизор боғларга ҳавас билан боқасиз, ёнғоқ дарахтларининг барқ уриб ҳосил бераётганига гувоҳ бўласиз.

Кўчат сотишдан келаётган даромад ҳисобига қишлоқ шўроси ҳудудидаги Ғалча қишлоғида 5 хонали, Бўстон қишлоғида 4 хонали тиббиёт пунктлари қуриб битказилди. «Партия XXII съезди» жамоа хўжалигининг Майна Ҳасанова маҳалласида эса тиббиёт пункти қурилиши режалаштирилди ва унга керакли маблағ ажратилди. Мактаблар, тиббиёт пунктлари бир неча минг сўмлик жиҳозлар, дори-дармонлар билан таъминланди. Кам даромадли оилаларга моддий ёрдам берилди.

Бу ерда қисқа вақт мобайнида аҳоли эҳтиёжи учун хизмат қиладиган кичик корхоналар қуриш, улардан тушадиган фойда ҳисобига аҳолига мумкин қадар кўпроқ қулайликлар яратиш режалари ҳам тузилмоқда. Бу изланишлар, интилишлар ҳам яхши самара берса ажаб эмас. Чунки ҳозир айни тадбиркорларнинг ошиғи олчи бўлаётган даври.

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲЎЖАЛИКДА ЯНГИ ТАРМОҚ

Чуст районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг меҳнаткашлари ўз хўжаликлари ва район маркази дўконларига эндигина тутилган балиқлардан юбордилар. Ярим тоннадан кўпроқ келадиган бу зоғорабалиқлар балиқчилик хўжалиги ҳавзаларида етиштирилган.

Хўжаликда йил бошида янги тармоқни барпо этишга қарор қилишган эди. Чунки ҳозир ҳамма нарса ниҳоятда тақчил бўлиб турган пайтда балиқ қимматбаҳо озиқ-овқат маҳсулоти бўлибгина қолмай, айни вақтда, барқарор даромад манбаи ҳамдир. Шундай қилиб, узоқ ўйлаб ўтирмадилар, балиқчилик хўжалигига Сирдарёнинг қайир ерларидан икки гектар майдон ажратилди. Бозорбой Абдуллаев бу ерларни ўзлаштиришга киришди. Янги ишнинг нозик жиҳатларини ўрганди, Андижон давлат балиқчилик хўжалиги мутахассислари ҳузурида бўлди. Ўша ердан 12 мингта зоғорабалиқ чавақларини олиб келди ва бутун мавсум давомида ёрдамчилари билан бирга уларни парваришлади.

Қарабсизки, балиқ ови ҳам бошланди. Ноябрь ойидаёқ район меҳнаткашлари дастурхонига яна икки тонна балиқ етказиб берилади. Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, балиқ сотишдан олинган даромад жамоа хўжалигида янги тармоқни ташкил этиш учун сарфланган барча ҳаражатларни қоплайди.

(ЎзТАГ).

АФСУС, ПОЛКОВНИК ЭМАСМАН

Кеча эрталаб ишхонага кириб кетаётгандим. «Тошкент» меҳмонхонаси олдида одамларнинг тўпланиб турганини кўрдиму йўлни ўша ёққа бурдим. Қизиққонлик қурсин. Қолаверса матбуотда ишлаб бундай воқеалар ёнидан лоқайд ўтиб кетиб бўлармиди.

Ресторан эшиги тўғрисида мени мелиса ходимлари тўхтатди.

— Йўл бўлсин?

— Одамлар олдига.

— Мумкин эмас, қайтинг.

Гувоҳномамни кўрсатдим. Ўзини Виктор Калмиков деб таништирган мелиса катта лейтенанти шундай деди:

— «Муштум»дан экансиз,агар мелиса полковниги бўлсангиз ўтказиб юборардим.

Шу маҳал тўда томондан рўзномалардан бирида ишлаётган ҳамкасбимиз кела бошлади. Саломга қўл чўзсам, мелиса «ҳой, мумкин эмас» дея аюҳаннос солди. Касбдошимнинг тушунтиришига парво қилмади. У яна ортига қайтди.

— Ахир касбдошимни чиқариб юбормадингиз-ку? — десам.

— У ўша ёқдан келди, сиз эса бу ёқдан, — деди.

Ажабо, қайси томондан келишни ҳам билиш керак экан-да!

Ш. ЖАББОРОВ.

ЭЛЕКТРОНИКАНИ ЎЗЛАШТИРИШМОҚДА

Андижонда ташкил этилган «Нуклон» кичик корхонаси электр қўнғироқлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Дастлабки беш минг дона электр қўнғироғи тайёрланди. Рўзғорда ишлатиладиган асбобларнинг янада мураккаброғини тайёрлашга ҳозирлик кўришмоқда. Бу қўнғироқларнинг жаранглаши янада яхшироқ бўлади. Санкт-Петербургдаги «Светлана» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан янги маҳсулот учун микрочизмалар тайёрлаш тўғрисида битимга эришилди. Акустика илмий-тадқиқот илмгоҳи жамоаси билан эса «Нуклон» кичик корхонасига зарур жиҳозларни, уни ишлаб чиқариш учун конвейер тизими тўғрисида бир битимга келинди.

«Нуклон»да кичик радиоприёмниклар ишлаб чиқаришга, телевизорлар йиғишга тайёргарлик кўрилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ „ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА“ГИ ҚОНУНИГА ИЗОҲЛАР

Ҳар қандай мустақил давлатнинг ижтимоий тараққиёти ўсиб келаётган авлод — ёшлар билан боғлиқ. Ўзбекистон фуқароларининг ҳар учдан бири 14—30 ёшли йигит ёки қиздир. Ёшлар республика аҳолисининг 33,3 фоизини ёки 6 миллион кишини ташкил этади.

Ёш фуқаролар бу даврда (14—30 ёшда) илк бор ҳаётга мустақил қадам қўядилар, шу боисдан ҳам уларнинг дунёқараши ана шу ёшда шакллана боради.

Афсуски шу пайтгача ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этувчи ягона сиёсат асослари ишлаб чиқилмаганди. Давлат органлари ёшлар муаммоларига ягона ёндошувга бирлаштирилмаган тарқоқ, ярим-ёрти қарорлар қабул қилиш билан чекланарди. Бу муаммони таҳлил қилиш ҳозирги мавжуд қонунларни тиклаш билан ёшлар сиёсати борасида салмоқли натижаларга эришиб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Шу туфайли ҳозир Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисидаги масалани ҳал этиш ниҳоятда долзарб вазифалар қаторида туради.

Жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий инқирози ёшларга таъсир этмай қолмади. Узоқ йиллар ёшлар муаммолари ҳақида сукут сақланди, жамиятнинг бефарқлиги ёшларнинг айрим доиралари орасида ишончсизлик туғдирди. Авлодлар ўртасида қарамақаршиликлар кучайди, «отаоналар ва болалар» муаммоси кескинлашди.

Ёшлар орасидаги порокандалик, уларнинг ижодий кучқувватларини ривожлантириш ва ижтимоий қад ростлашлари учун ҳуқуқий кафолатларнинг йўқлиги жамият тараққиётини тўхтатиш хавфини кучайтирди.

Ёшлар муаммоларини бартараф қилиш, уларнинг ҳуқуқларини белгилаш сиёсий, ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиши зарур. Акс ҳолда бу масалаларни амалда ҳал этиб бўлмайди. Фақат махсус қонун асосларини тайёрлашгина ёшлар муаммоларини ҳал қилишга кафолат бериши мумкин.

Аввало қонуннинг номи хусусида. Ёшлар сиёсати йигит-қизларнинг ижтимоий тараққиёти кўрсаткичлари, ижтимоий қиёфаларининг шаклланиши анъаналари каби ҳолларни аниқ тасаввур этган ҳолда тузилиши лозим. Афсуски, бу нарсалар ҳали фан томонидан аниқ «ишлаб чиқилмаган». Қолаверса, ушбу йўналиш доимо бир хил ҳолатда бўлмай, аксинча ўзгарувчан (баъзан тез ўзгарувчан) кўринишга эгадир. Агар қонун «Давлат сиёсати тўғрисида» деб номланса, унда бу сиёсатнинг доимий йўналишлари бугунги кун муаммоларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган бўларди. Шу боисдан қуйидаги ном қонунга жуда мос келади: «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида».

Бу асос — ёшлар тўғрисида қонунлар ишлаб чиқиш ва бу борадаги республика норматив актларини тартибга солиш учун замин вазифасини ўтайди, холос.

Энди қонуннинг «қурилиши» хусусида.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонуни 4 бўлимни ташкил этган 21 моддадан иборат.

«Умумий қоидалар» деб аталувчи биринчи бўлим ўз ичига 5 та моддани қамрайди. Уларда ёшларга оид давлат сиёсатининг мақсади ва принциплари, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон республикаларининг ваколатлари, ушбу қонун субъектлари белгилаб берилган.

Ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилиш нормативлари жамланган иккинчи бўлим ҳам 5 моддадан иборат.

«Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш» деб номланган учинчи бўлим ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишини ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан таъминлаш изоҳлаб берилган 9 моддадан ташкил топган.

Тўртинчи бўлимдан «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун ижросини назорат қилиш ва текшириш, ҳамда ушбу қонунни бузганлик учун жавобгарлик масалалари ўрин олган.

1-модда. Ёшларга оид давлат сиёсати Ўзбекистон Республикасининг давлат фаолиятидаги мустақил йўналиш бўлиб, унинг мақсади — ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва ривожланиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат.

Ҳуқуқий актлар ёрдамида ёшларнинг ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида тўла-тўкис рўёбга чиқишига кафолат берилган.

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати миллати, ирқи, тили, дини, ижтимоий мавқеи ва сиёсий қарашларидан қатъий назар барча ёшлар тўғрисида давлат ғамхўрлигини назарда тутади. Ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, маънавий камолатига йўл очиш, миллий, маданий анъаналарнинг авлоддан-авлодга ўтишини таъминлаш масалалари ёшларга оид давлат сиёсатининг бош йўналишларидандир. Ёшларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, эркинлик ва фуқаролик масъулияти бирлиги тан олинади. Ёшларга оид сиёсат асосларининг қондалари Ўзбекистон Конституцияси ва халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига жавоб беради.

2-модда. Ушбу моддада Ўзбекистонда ёшлар сиёсатини амалга оширишга оид давлат органларининг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асослари белгилаб берилган. Унда келажакда давлат ижроия органлари амалга оширувчи ёшларнинг у ёки бу муаммоларини ҳал қилишга қаратилган давлат сиёсатининг комплекс ва маълум соҳага йўналтирувчи дастурлари ишлаб чиқилиши назарда тутилади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш учун маблағлар ажратиш ҳамда ёшлар жамоат ташкилотлари ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, республикада ушбу сиёсатни шакллантириш ва рўёбга чиқаришнинг бошқа масалалари ҳам Ўзбекистон Республикаси вазифасига киради.

Давлат ёшлар манфаатларини Ўзбекистоннинг халқаро ва республикалараро мажбуриятлари доирасида ҳуқуқий тартибга солиб борилишига кафолат беради.

3-модда. Ўзбекистон таркибида Қорақалпоғистон Республикаси мавжудлигини эътиборга олиб, унинг мустақиллиги принципларини ҳурмат қилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати мустақил ишлаб чиқилиши алоҳида модда билан белгиланган. Ўзбекистон Республикаси ваколатига кирувчи айрим масалалар бундан мустаснодир.

4-модда. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати тўла-тўкис қонун-қондаларга асосланади.

Ўзбекистон Конституциясида белгилаб берилган фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинлиги тўлалигича 14—30 ёшли йигит-қизларга ҳам тааллуқлидир.

Ушбу қонун ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий негизини белгилаб беради ва тегишли қонунларни ривожлантириш ҳамда мунтазам ҳолга келтириш учун асос бўлади.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи субъект тушунчасини назарда тутади. Ушбу қонун лойиҳасида ёшларга оид давлат сиёсатининг субъектлари санаб ўтилган. Шартли равишда уларни учга бўлиш мумкин. Биринчисига қонун чиқарувчи органлар — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши, Ўзбекистон халқ депутатлари вилоят, район, шаҳар ва қишлоқ Советлари киради Ўзбекистон Республикаси Президенти—давлат раҳбари — Конституцияда белгилаб берилган ҳуқуқларидан фойдаланиб, фармонлар чиқаради, ижроия органлари ишини йўналтириб боради. Учинчи гуруҳга кирувчи субъектлар — ёшлар жамоат ташкилотларидир.

Ёшлар ташкилотларининг ҳуқуқий ҳолатлари қонун лойиҳасининг 19-моддасида белгилаб берилган.

6-модда. Ушбу моддада республика барча ҳокимият ва бошқарув органлари ҳамда жамоат ташкилотлари фаол иштирок этадиган ёшларни ҳуқуқий ҳимоялаш қоидалари таърифлаб берилган. Ёшларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасидаги асосий вазифа ҳуқуқий органлар зиммасига юкланган. Фуқароларнинг ёшларидан қатъий қазар Конституцияда белгиланган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги ҳуқуқларидан тўла фойдаланиши мустаҳкамланган. Ўзбекистонда жамиятнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий қадриятлари ҳимоя қилинади, жамиятга зид хатти-ҳаракатларга қарши кураш борасидаги ҳозирги қонун-қоидаларни кучайтириш назарда тутилади.

7-модда. Ушбу моддада ёш фуқароларнинг айрим тоифалари ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишни таъминловчи махсус ҳуқуқ нормаларини қабул қилиш ва ривожлантиришга эътибор қаратилган. Ёш фуқароларнинг айрим тоифалари деганда ногиронлар, болаликдан хасталикка чалинганлар, ёш оналар, болалар уйлари ва махсус интернатларнинг тарбияланувчилари, мажбурий ҳарбий хизматдан қайтганлар, олий, ўрта махсус ўқув юртларини битирган ёш мутахассислар ва ўрта мактабни тугатган ёшлар назарда тутилади.

Бу модда қоидалари бугунги кунда халқ депутатлари маҳаллий советларининг маъмурий комиссиялари қўллаётган вояга етмаганларни махсус ўқув-тарбия муассасаларига юборишдек нотўғри тажрибани бекор қилишга қаратилган. Маълумки, ушбу муассасаларда ўсмирлар уч йилгача сақланиши мумкин, бу эса аслини олганда озодликдан маҳрум этишнинг яширин формасидир. Маъмурий комиссиялар фаолияти барча ҳуқуқий кафолатлар, шу жумладан, ҳимояланиш ҳуқуқи бўлган суд қарорларисиз амалга оширилади. Бу ҳол ҳуқуқий давлат нормаларига мос келмайди.

Вояга етмаганлар сақланадиган жойларда биринчи навбатда, «жазолаш» эмас, балки «тарбиялаш, ёрдам бериш ва назорат қилиш» принципи йўлга қўйилган бўлиши керак. Бу жойларда вояга етмаганлар ишлари бўйича махсус судлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Бунда вояга етмаганларни жазолашнинг янги хиллари жорий этилиши назарда тутилади. Жумладан вояга етмаганларга қўйидаги жазо турлари қўлланиши мумкин: а) келтирилган зарарни қоплаш масъулиятини юклаш; б) жарима; в) ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш; г) эркин юриш имкониятини чеклаш; д) аҳлоқни тузатиш ишлари; е) қамаш; ж) озодликдан маҳрум этиш.

Жазо суд қарори ёки ҳукмига асосан берилиши керак. Ушбу моддада юқоридаги шахсларни давлат томонидан амалга оширилиадиган ижтимоий ҳимоялаш чораларининг барчасини санаб ўтишга ҳожат йўқ. Бинобарин жамиятнинг ёшларга кафолати аҳоли турмушидаги қийинчиликлар, кескин ўзгаришларга мослашиб бориши лозим.

8-модда. Бунда ўқувчилар ва ўқув-тарбия муассасалари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тубдан ўзгартириш назарда тутилган. Ҳозирги вақтда ушбу муносабат маъмурий ҳуқуқлар жабҳасига киради. Бу эса таълим ва тарбия бериш фаолиятини тартибга солувчи соҳа табиатига зиддир. Шу туфайли ҳам бу муносабатларни гражданлик-ҳуқуқий муносабатлар жабҳасига ўтказиш ва уни томонларнинг ҳуқуқий тенглиги асосида ташкил этиш таклиф этилади. Шундай қилинганда ўқувчиларнинг шахсий ҳуқуқлари кафолатларини кучайтириш, ўқувчилар ва уларнинг қонуний вакиллари томонидан ўқув-тарбия муассасалари ишини назорат қилиб бориш таъминланади.

Ҳуқуқий тенглик томонлардан ўзаро муносабатларни шартнома асосида олиб боришни талаб этади. Моддада ана шу ҳолатлар кўрсатилган.

Амалдаги қонун-қондалар ўқувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ўқув-тарбия муассасалари маъмурияти (айниқса, болалар уйлари, мактаб-интернатлар ва бошқа болалар муассасаларида) томонидан камситилишинг олдини олишга айтарли хизмат қилмайди.

Ўқувчи ва талабаларни айрим ҳоллардан ташқари бошқа ишларга жалб этиш тақиқланиши ҳақидаги ҳуқуқий нормалар ҳам ушбу моддада берилган. Ўқувчи ва студентлар ўқишдан бўш пайтларида ихтиёрий равишда ишлашлари мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ва ўқувчи-студентларнинг ижтимоий жиҳатдан кам ҳимояланганлигини ҳисобга олиб, уларга мактаб формалари, ўқув адабиётлари ва бошқа ўқув товарларини харид қилишда имтиёзли нархлар белгилаш назарда тутилади. Товарларнинг рўйхати ва уларни харид қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

9-модда. Бунда давлат истеъдодли ёшларни аниқлаш ва уларга ижодий камолатга етишларида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиши таъкидланади. Шу мақсадларда республикада халқ хўжалигининг барча соҳаларида истеъдодли ёшларни қидириб топиш, қўллаб-қувватлаш учун давлат ва жамоат муассасалари ҳаракатда бўлади. Давлат бюджети ва ижтимоий фондлар бу борадаги жиҳатдан таъминлайдилар.

Ушбу моддада корхона ва ташкилотларнинг ёш фуқароларга касб ўргатишга, малакаларини оширишга, тажриба орттиришларига, ўсмирларни мактабдан ташқари ривожлантиришга қилган харажатларига давлат томонидан солиқ солинмаслиги қайд қилинади. Бу шарт-шароитлар корхона ва ташкилотларда ишлайдиган ёшларга муттасил равишда касб маҳоратларини ошириб бориш имконини беради.

10-моддада «Ёшларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш» тушунчаси очиб берилган. Шу муносабат билан ёш фуқаролар ижтимоий таъминланишининг энг кам миқдорига давлат кафолати белгиланган янги мезон киритилган. Ижтимоий таъминланишнинг бу минимумига ёш фуқароларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган қуйидаги ҳолатлар киради: кун кечириш минимуми; мактаб ҳунар-техника билим юрти ёки олий ўқув даргоҳини битиргач, дастлабки меҳнат фаолияти учун иш жойи билан таъминлаш, агарда ишга жойлашолмай қолган тақдирда кун кечириш минимумидан кам бўлмаган миқдорда компенсация тўлаш; ёш оилаларга уй-жой қуриш, рўзғор буюмлари сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар бериш;

ижтимоий инфраструктура объектлари лойиҳалаштирилаётганда ва қурилаётганда (уй ёки даҳалар бунёд этилаётганда мактаб, болалар боғчаси, болалар майдонлари, спорт секциялари, магазин ва бошқа ижтимоий объектларни назарда тутиш) ёшларнинг эҳтиёжларини албатта ҳисобга олиш;

спорт-соғломлаштириш ва маданий-маърифий муассасаларга (музей, театрлар, кинотеатр, кўргазмаларга) киришда имтиёзли нархлар белгилаш;

ўқувчилар, талабалар ва вояга етмаганлар учун шаҳар, шаҳардан ташқари транспортларда юриш имтиёзлари яратиш;

Бепул билим олиш ва даъволаниш ҳуқуқи давлатнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлигининг ажралмас қисми сифатида сақланиши лозим.

Вояга етмаганлар, ёш фуқароларнинг айрим тоифаларини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган махсус тадбирлар республиканинг бошқа норматив актларида кўрсатилади. Ёш фуқаролар тоифалари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий Совети ва республика Президенти қошидаги Вазирлар маҳкамаси томонидан белгиланади.

11-модда. Ушбу моддада Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг янги механизми жорий этилган. Унда бошқарув органлари билан бирга вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш инспекциялари ташкил этиш назарда тутилади. Ёш фуқароларга ижтимоий ёрдам берувчи ва бошқа хизмат кўрсатиш муассасалари ҳам шулар жумласига киради. Янги ташкил этилган бу тармоқ (унга турли вазирликлар ва идоралар ихтиёрида тарқоқ фаолият кўрсатаётган бошқарув ва ёшларга амалий ёрдам берувчи соҳалар бирлаштирилади ва мувофиқлаштирилади) қонун лойиҳасида — «Ёшлар ишлари бўйича давлат Кенгаши» деб юритилган. Жаҳон (Австрия, Олмония, Швейцария, Франция, Буюк Британия, Швеция ва бошқа давлатлар) тажрибасига кўра бу идора ижтимоий соҳада фаолият кўрсатувчи умумий давлат тармоқларининг бир жабҳаси бўлиб қолиши керак.

Шу жойда ёшлар ишлари бўйича давлат Кенгаши Олий Кенгашга, Ўзбекистон Республикаси Президентига ёшларнинг аҳволи ҳақида ҳар йили маъруза тақдим этиши хусусидаги қонуний акт белгилаб берилган.

12-модда. Бу моддада Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг аниқ механизмлари кўрсатилган. Ёшлар ишлари бўйича Давлат кенгаши томонидан ишлаб чиқарилган Давлат дастурида ёшлар муаммоларини ҳал қилиш йўл-йўриқлари қайд этилади. Қонун лойиҳасида таклиф этилган давлат дастурлари мукаммал характерга эга бўлмай, ёшларнинг ижтимоий фойдали фаолиятлари негизларини белгилайди, холос. Дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жамоат ташкилотлари, корхоналар ва ёшлар сиёсати борасидаги бошқа манфаатдор томонлар таклиф этилади. Республика давлат дастурини ишлаб чиқиш мобайнида, жойлардаги маҳаллий ҳокимият вакиллари ўзларининг маҳаллий шароитларидан келиб чиққан ҳолда кичик дастурлар қабул қилишлари мумкин.

13-модда. Ёшларга ижтимоий хизмат кўрсатиш ҳақида қонун- қоидаларнинг киритилиши Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда принципиал аҳамиятга эга. Чунки бундай хизматлар ижтимоий ва бошқа ёрдамга муҳтож ёшлар билан бевосита алоқада бўлади.

Ёшларга ижтимоий хизмат кўрсатувчи давлат-жамоатчилик идораларининг фаолияти қонун лойиҳасида санаб ўтилган йўналишлардан ташқари фаолиятлари қўйидагилардан иборат:

ёшларни ижтимоий ҳимоялаш ва ўз-ўзларини ҳимоялаш;

ёш оилаларга ижтимоий ёрдам;

ёшларнинг аҳволини ўрганиш ва уларнинг муаммоларини ҳал этиш йўлларини излаш, меҳнат коллективларига (улар хусусий ёки давлат ихтиёрида бўлишларидан қатъи назар), маҳалла, даҳа қўмиталарига, жамоат бирлашмаларига, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларига ушбу вазифани амалга оширишда кўмак бериш;

ўсмирлар ва ёшларга, айниқса ёш ногиронларга интилишларию қобилиятларини рўёбга чиқаришларига ёрдамлашиш;

ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва аҳлоқбузарлик ҳоллари рўй беришининг олдини олиш;

вояга етмаган ҳуқуқбузарларга махсус тарбия муассасаларида алоҳида педагогик таъсир кўрсатиш;

озодликдан маҳрум этиш ва махсус тарбия муассасаларидан қайтган ёш фуқароларни ижтимоий жиҳатдан тиклаш (кўниктириш);

ёш фуқароларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва уларга ҳуқуқий йўл-йўриқ, маслаҳатлар бериш;

ёш фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятларини қўллаб-қувватлаш ҳамда бу ҳаракатни ривожлантиришга шарт-шароитлар яратиш.

Ёшларга ёрдам беришнинг бошқа ҳолларини маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ўзлари белгилашади.

Ёшларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш давлат-жамоатчилик хизматининг шакли ва асосий вазифалари Ўзбекистон Республикаси ёшлар ишлари бўйича давлат кенгаши томонидан белгиланади. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳудудларидаги ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий хизматининг аниқ шаклини белгилайдилар.

Энг муҳими бу хизмат ёшларнинг ижтимоий активлиги ва меҳнат малакаларини оширишнинг барча омилларини топиб, ишга солиш, уларнинг фаолиятини рағбатлантириб боришга муайян таъсир кўрсатади. Ёшлар ҳар бир корхона, жамоат ташкилотида, бутун халқ хўжалиги тармоқларида сидқидилдан ишлаш ва бу ҳалол меҳнатларини жамоада маънавий рағбатлантирилиши, ўзларининг имкониятларини тўла намоён этиш ва шахсий меҳнат унумлари билан моддий манфаатдорликларини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилишини кутмоқдалар.

14-модда. Ушбу моддада ёшларнинг жамоат уюшмалари, бошқа давлатдан ташқари ташкилотларни ёшларга ижтимоий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолиятига жалб этиш асослари қайд этилган. Давлатдан ташқари ташкилотларнинг бу ишлардаги иштироки халқ депутатлари маҳаллий совет органлари, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари бўйича давлат кенгаши ва бошқа республика идоралари билан шартномалар тузиш орқали амалга оширилади.

Ёшларга ижтимоий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш ва уларга тегишли бошқа муаммоларни ҳал этишга айрим шахслар (мутахассислар, педагоглар, тиббиёт ходимлари ва ҳоказо) ҳам жалб этилиши мумкин.

15-модда. Бу ерда ёш фуқароларнинг мустақил ҳаётга илк қадам қўйиш даврларида қаддиларини ростлаб олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришга қаратилган давлат комплекс тадбирларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари кўрсатиб ўтилган. Ёшларга бундай ёрдамни ташкил этиш учун, аввало Ўзбекистон Республикаси Ёшларга оид давлат сиёсати иқтисодий мададнинг кенг тармоғига эга бўлиши керак.

Ёшлар сиёсатининг молиявий таъминоти икки манбага эга. Биринчиси — давлат ва халқ депутатлари маҳаллий советларининг бюджетлари, иккинчиси — корхоналар, ёшлар ташкилотлари ва бошқа фондлар.

16-модда. Ёшлар эҳтиёжлари учун кредит ва имтиёзлар бериш ушбу моддада қайд этилган. Бу имтиёзлар ва узоқ муддатли кредитлар бериш тартиби республика қонунлари билан белгиланади.

Истеъмол ва ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган кредитлар бериш системасини ташкил этиш ёшларда тайёрига айёрлик кайфиятини уйғотмайди, аксинча уларнинг меҳнат фаоллигини оширади.

Ёшларнинг айрим тоифаларига турли транспорт воситаларида юришлари учун имтиёзлар берилиши, уларнинг эркин юришларини моддий жиҳатдан таъминлашга қаратилган. Бундай имтиёзлар ҳозир ҳам мавжуд, улар қонунга қўшимча актлар ёрдамида тартибга солиб борилади.

Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги комплекс ва тармоқ дастурларини пул билан таъминлашга ўз фойдасининг бир қисмини ажратаётган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари учун имтиёзли солиқ белгиланиши ҳам шу моддада қайд этилган.

17-модда. Ёшларнинг илмий, техникавий, маданий ва бошқа ижодий фаолиятларини ривожлантириш мақсадида давлат-ижтимоий ёшлар жамғармаси ташкил этилишининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган. Булардан ташқари жамғарма ёшларнинг хориждаги тенгдошлари билан алоқалар ўрнатишга йўналтирилган ташаббусларини ҳам молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши мумкин. Ёшларнинг давлат-ижтимоий жамғармалари ҳақида низом Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Вазирлар маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

18-модда. Ушбу қонун лойиҳасига ёшларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ҳақида махсус модда киритилиши бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни билан боғлиқдир. Иқтисодий мустақилликсиз сиёсий мустақилликка эришиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам давлат ёшларнинг иқтисодий мустақиллигини, халқ ва ҳунармандчилик ишларида қатнашишини, ёшлар корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради. Моддада ёшлар корхоналарининг статуси ва уларнинг муфассал рўйхатлари берилган.

Ёшларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун ёшлар корхоналарига давлат имтиёзли солиқлар белгилайди, корхоналарнинг ёш тадбиркорларнинг таълим олиши ва малака ошириши учун қилинган харажатларидан давлат бюджетига солиқ олинмайди.

Ушбу моддада ёшлар корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолиятидан тушган валюта даромадларига ҳам улар ёшлар муаммоларини ҳал қилишга қаратилган тақдирда имтиёзли солиқ берилишининг ҳуқуқий асоси кўрсатилган. Ёш тадбиркорлар ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланган тақдирларида ўзларининг иқтисодий маданият савиялари ошиши, ёшлар корхоналарининг иқтисодий мустақиллигига шарт-шароитлар яратилиши муқаррар.

19-модда. Ёшларнинг жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий статуси ҳақида алоҳида модда киритилиши «Ўзбекистон Республикасида жамоат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунда (1- ва 5-моддалар) бу статус тўлиқ очиб берилмаганлиги билан боғлиқ. Оммавий ёшлар ташкилотларини белгилашда, аъзоларининг ёшлари асосий мезон ҳисобланади. Ёшлар жамоат бирлашмаси қатнашчисининг ёши (30 ёш) чегаралаб қўйилган. 30 ёшдан катталар сони жамоа аъзоларининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

20-модда. Ушбу моддага конституция нормаларининг киритилиши таълимий характерга эга. Бу қонунни асосан ёшлар ўқиши-ўрганиши назарда тутилиб шундай қилинган.

Ёшларнинг ҳуқуқий билимлари талаблар даражасида эмас. Шу боисдан ўн тўрт ёшли ўсмир ҳам, 30 ёшли фуқаро ҳам ушбу қонун ижроси аниқ ва бир хил тахлитда бажарилиши олий ҳокимият органлари томонидан назорат қилиб борилишини билишлари шарт.

21-модда. Бу моддада ушбу Қонун қоидаларига риоя этилмаган ҳолларда маъмурий, гражданлик ва жиноий жавобгарлик назарда тутилиши қайд этилган. Қонундан кейин чиқадиган ва унга мос келмайдиган ҳуқуқий актлар ҳаётга тез татбиқ этилиши учун моддaнинг иккинчи сўз бошисидан бошланган норма қабул қилинган. Ушбу ҳолат ёш фуқароларнинг тегишли органларга мурожаат қилишларидан қатъий назар қонунни бутунлай ёки унинг ёшлар ҳуқуқини камситувчи маълум қисмини ҳақиқий эмаслигини кўрсатади.

Ёшларга, ёшлар ташкилотларига етказилган зарар суд қарорига мувофиқ тўлиқ қайтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ёшларга доир сиёсат комитети.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ОТАНГГА РАҲМАТ, ФЕРМЕР!

Бухоро районининг «Янгитурмуш» жамоа хўжалигидаги фермер Ҳамро Саврнев шу хўжаликда болалар боғчалари ва мактабларига ҳар куни юз литргача серқаймоқ сут жўнатмоқда. 17 та сигир ва новвосни парваришлаш Саврневлар оиласининг барқарор даромад олишини таъминламоқда — улар 10 тоннадан кўпроқ сут ва 2 тоннага яқин гўшт топширдилар.

Жамоа хўжалиги бошқаруви билан тузилган шартномага биноан Ҳ. Саврневга бир ярим гектар ер ажратиб берилган. Меҳнатсевар фермер ана шу ердан қиш учун 8 тонна беда пичани ва 18 тонна силос ғамлаб қўйди. Хуллас, қишнинг совуқ кунларида ҳам колхозчиларнинг болалари янги сўилган сут билан таъминлаб турилади.

АНДИЖОН ТАМҒАСИ БИЛАН

«Электроаппарат» заводида маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Кенг истеъмол моллари цехмга учта конвейр, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни йиғиб тўлатўкис синовдан ўтказадиган технология ускуналари ўрнатилди. Электр радиоторлар, машина олиб қочишга қарши «Пульсар» қурилмалари, турли рўзғор электр буюмларини ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўрилмоқда.

Халқ истеъмол моллари йиллик ҳажмини 8 миллион сўмликка етказиш режалаштирилган. «Электроаппарат» заводида чиқарилаётган моллар нафақат андижонликларга, қўшни вилоятларнинг аҳолисига ҳам етади.

ТЕЖАМКОРЛИККА ДАЪВАТ

Қашқадарёда қишлоқ аҳолиси электр қувватига янги нархлар бўйича ҳақ тўлайди. Эндиликда фақат юз киловатт электр қувватининг ҳар бир киловаттига ва ичидан ҳақ тўлайди. Бундан ортиқ сарфланган қувват учун ичтиёз бекор қилинди. Қашқадарё вилоят ижроия комитети электр қуввати сарфини изга солиш мақсадида шу қарорни қабул қилди. Иттифоқ ва республика идораларининг қарорига мувофиқ бундан икки йил илгари жорий этилган электр қувватига тўланадиган ҳақ бўйича имтиёзлар натижасида қувват сарфи кескин кўпайиб кетган эди.

Мутахассисларнинг таҳминларига қараганда бу йилги куз, қиш даврида бир қанча сабабларга кўра электр қуввати ишлаб чиқариш кескин қисқаради. Қашқадарёлик депутатлар ҳамкасбларини тежамкорликка даъват этдилар. Бу эса қиш фаслидан омон-эсон чиқиб олишга ёрдам беради.

(ЎзТАГ).



Советобод шаҳар советининг раиси Солижон Меҳмонов ва шу ҳудуд боғидаги чойхона мудири Ғуломжон Сиддиққуловни шаҳарнинг асосчиларидан деб билишади. Чунки улар 1941 йилда кўчиб келишганида тошлоқ бу қишлоқда бир неча онлагина истиқомат қиларди. Икковлонинг ташаббуси билан тез орада чарм-атторлик фабрикаси қуриб ишга туширилганди. Шу йўсинда турли корхоналар, кўп қаватли бинолар қад кўтара бошлади.

СУРАТДА: (ўнгдан) С. Маҳмудов ва Ғ. Сиддиққулов ўзлари бунёд этган бирлашма саҳнида ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Кўп маротаба кузатганман: жамиятда бўлаётган ҳодисаларга, ҳокимият вакилларига, давлат амалдорларига халқнинг муносабати ўзига хос тарзда ифодаланади. Шундай савол-жавобни тез-тез эшитишга тўғри келади: «Ассалому алайкум! Ишлар қалай!» «Иш чатоқ, оғайни. Прокурорга қатнаяпман. Мен боғдан келсам, у тоғдан келади. Ҳокимият, қонун, куч унинг томонида. Биз нима ҳам қила олар эдик...»

Халққа қарши давлатнинг кучи энг асосий қонун ҳисобланган адолатсиз турмушнинг бир неча ўн йиллар мобайнида миллион-миллион кишилар онгига ўрнашиб қолган психологияси ана шундай. Катта, қудратли давлат машинаси кичик халқлар, майда одамлар устидан ўз ҳукмини ўтказиб келди.

Эндиликда кўп нарсалар ўзгариб бораяпти. Маданий дунёда аллақачонлар қарор топган, қонунлар ёрдамида ҳамон такомиллашиб бораётган инсон ҳуқуқлари ва бурчларига ишонч туғилмоқда. Бу муҳим тушунчаларнинг дастлабки маъносини, моҳиятини энди тушуна бошладик.

Биз инсоннинг муносиб ҳаёт кечириш учун белгилаб қўйиладиган қонунлар, албатта бажарилишига ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Ҳуқуқий давлатни, демократик жамиятни барпо этиш йўли осон кечмайди, чунки у ўтмиш ҳаробаликлари устидан ўтади.

Республикамиз мустақил бўлиб олди. Янги шароитда мустақил давлатнинг прокуратураси фаолияти қай тарзда ўзгараяпти! Барча қонунлар аниқ ва бирдай бажарилишини олий назоратдан ўтказиб турадиган органларнинг бугунги вазифалари нималардан иборат! «Халқ сўзи» мухбири саволларига республика прокурори, иккинчи класс адлия маслаҳатчиси Бўритош Мустафоевич МУСТАФОЕВ жавоб беради.

Ҳуқуқий давлат сари

АҲВОЛ ҚАЛАЙ, ПРОКУРОР?

— Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинди. Шунинг учун ҳам республика прокуратураси органларининг иттифоқ прокуратураси тасаррафидан чиқиши табиий бир ҳол. Бизнинг бутун фаолиятимиз илгари марказдан бериладиган буйруқлар ва фармойишлар асосида қаттиқ изга солиб турилларди, «СССР Прокуратураси тўғрисида»ги қонунга бўйсундирилган эди. Умумиттифоқ қонунлари республика қонунларига нисбатан устивор ҳисобланарди. Эндиликда эса Ўзбекистон Республикаси ҳудудида унинг ўз қонунлари устунлик қилиши керак. Айтиш мумкинки, бу бизнинг биринчи даражали вазифамиздир. Бошқалари ана шу масаладан келиб чиқаверади.

— Ҳозир марказда, Россияда прокуратурани адлия органлари тизимига «қўшиб юбориш» ҳақида фикр пайдо бўлган. Бунга сиз қандай қарайсиз? Шундай қилса Ўзбекистон Республикасига тўғри келадими!

— Узил-кесил тарзда айтишим мумкинки, мутлақо тўғри келмайди. Ўзбекистон прокуратура органларининг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни масаласини муҳокама этишга, бундай қарор қабул қилишга вақт эрта. Нега? Биз ҳуқуқий давлат сари энди-энди дастлабки қадамларни қўймоқдамиз. Назорат қилиш функциялари, пишиқ-пухта ишлаб турган муассасалари, четдан бўладиган бирон-бир таъсирдан, идоравий манфаатлардан бутунлай холи прокуратуранинг адлия тизимига қўшиб юборилишини ҳатто тасаввур этиш қийин. Бунинг устига Адлия, айтайлик, Ички ишлар ёки коммунал хўжалик вазирликларига ўхшаш орган, Адлия вазирлигининг ўзини ҳам доимий равишда назорат қилиб туриш керак.

— Агар мамлакатда қонунчиликнинг таъминланиши муаммосига жиддийроқ қарайдиган бўлсак, бу соҳада кўпдан-кўп чалкашликлару бузилишлар борлигини тан олишга мажбурмиз. Одамларда эртанги кунга ишончсизлик, қўрқинч ҳукм сурмоқда. Сиёсатда, иқтисодиётда барқарорлик бўлиши қийин кўринади. Қаёққа қараб, қаёққа боришни билмай, гаранг бўлиб қолдик. Аниқ йўл йўқ. Жиноятчилик, чайқовчилик, талончилик, қароқчилик кўз ўнгимизда ўсиб бормоқда. Бундай мушкул аҳволдан чиқишнинг иложи борми? Бизни нима қутқариши мумкин!

— Сизнинг айтганларингизга қуйидагиларни қўшимча қилмоқчиман: иқтисодий таназзул чуқурлашганлиги, пулнинг қадрсизланиши кучайиб бораётгани, бозор иқтисодиётига ўтишдаги бир-бирига зид тадбирлар ижтимоий нотенгликни келтириб чиқармоқда, жамият бойлар ва камбағалларга бўлиниб бораяпти, аҳолининг бечораҳол қатламлари моддий аҳволи тобора ёмонлашиб бормоқда.

Назаримда беқарор иқтисодиёт жиноятчилик вазиятини чуқурлаштираётган асосий омилдир. Айтиш мумкинки, жиноий хатти-ҳаракатларнинг ўсиши ўтиш даври учун ҳамиша хос хусусият бўлиб келган.

Сирдарё, Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳрини мустасно қилганда ҳамма жойда жиноятчилик кўпайиб бораяпти. Жиноятчилар орасида илгари судланган шахслар аксариятни ташкил этаётганлиги, айниқса, ташвиш туғдиради. Усмирларнинг эгри йўлга кириш ҳоллари ҳам кўпаймоқда.

Бундай вазият иқтисодий ва демократик ўзгартиришларни амалга оширишга жиддий хавф туғдираяпти. Республика раҳбарлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бундай ҳолатни чуқур англаб етмоқдалар. Иқтисодиётдаги салбий жараёнларни тўхтатиб қолиш, ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш учун таъсирчан чоралар кўрилди. Мен бу ерда ҳокимият ва бошқарув тузилмалари ва бошқарув тузилмалари тўғрисидаги қонунларни республикаларо сиёсий шартномалар ва иқтисодий битимларни назарда тутмоқдаман. Ўз навбатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жумладан прокуратура идоралари ҳам ўз тузилмаларини такомиллаштиришляпти. Масалан, Давлат хавфсизлиги комитети Миллий хавфсизлик кенгашига айлантирилди, ички ишлар органларида жиноят қидирув ва вилоят милицияси ташкил этилди, БХСС хизмати тугатилди. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

— Миллатлараро муносабатлардаги кескинликни юмшатишда прокуратура органларининг ходимлари ҳам қатнашмоқдалар. Бу муаммога сизнинг муносабатингизни билмоқчиман.

— Энг аввало қуйидагиларни таъкидлаб ўтишни истардим. Мен одамларни миллатига қараб ажратишни ёқтирмайман, бошқаларни ҳам шунга даъват этаман. Одамлар икки хил бўлишади: саҳийлар, яхшилар ва, айтиш мумкинки, ёмонлар яъни аблаҳлар. Республикамизда миллатлараро муносабатлар бир мунча барқарор ҳолатда. Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати ўтказиб келаётган сиёсат, миллий иноқликни мустаҳкамлашга қаратилган қатъи нуқтаи назари, дўстлик ва қардошлик руҳида тарбия топган одамларимизнинг саъй-ҳаракатлари, интилишлари туфайли шунга муваффақ бўлинаяпти. Жамоатчилик фикрини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни жуда ҳам катта. Шу муносабат билан марказий матбуот вакиллари миллий ҳис-туйғулар, эҳтиролар, миллатлараро муносабатлар ва шуларга ўхшаш жуда муҳим, нозик ҳолатларга баҳо бериш пайтида ниҳоятда масъулиятли бўлишларини истардим. Алоҳида олинган кичик бир далил асосида умумлашмалар чиқариш, қатъий баҳолар беришга асло йўл қўймаслик керак, деб ҳисоблайман.

Биз, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари одамлар орасига ёвузлик ва душманлик уруғини сочишни мақсад қилиб олган носоғлом овозалар, варақалар тарқатилишига қарши кураш олиб бораяпмиз. Худди шундай варақалар Тошкент вилоятининг Коммунистик районидаги Янгибозор посёлкасида, Қўқон шаҳрида ва баъзи бошқа минтақаларда қўлга туширилди.

— Бўритош Мустафоевич, биз ҳуқуқий давлат, бозор иқтисодиёти сари бормоқдамиз. Ҳаётнинг ўзи бу икки тушунчани бирлаштириб турибди. Шу муносабат билан бу масалада прокуратуранинг тутаётган ўрни қандай!

— Мулкдорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби жуда муҳим иш йўналиши биринчи ўринга чиқаяпти. Биз мулкчиликнинг жамики кўринишлари вакилларининг қонуний ҳуқуқларини давлат бошқарув органларининг асоссиз қарорларидан муҳофаза қилишга мажбурмиз. Бу — ишимизнинг бир томони. Иккинчиси эса биз республикамизнинг, яъни мустақил давлатимизнинг манфаатлари виждонсиз, нопок фуқаролар, шунингдек корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан унинг мулкига қонунсиз равишда бўладиган турли хил тажовузлардан ҳимояланишини кафолатлашимиз лозим. Жамиятнинг кам таъминланган ва камбағал қатламларини ижтимоий ҳимоялаш масалалари жуда муҳим аҳамият касб этади.

Бозор муносабатлари вужудга келиши, кейин эса ривожланиб бориши учун самарали ҳуқуқий муҳофаза таъмин этилиши зарур. Кучли ҳуқуқий негиз яратилмаса бунга эришиб бўлмайди. Шундай экан, қонунлар, меъёрий ҳужжатларнинг бутун бир мажмуини тайёрлаш керак. Ҳозирги пайтда республика иқтисодиётининг равнақини, истиқболга эга бўлган кичик тадбиркорликни таъминламаётган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқишимиз зарур.

— Сўзларингизни эшитиб, прокуратура органларининг иши билан танишиб ишонч ҳосил қилиш мумкин: катта, кўпқиррали фаолият юритиляпти... Бироқ, мени кечиринг, назаримда ҳаётимиз яхши томонга ўзгараётгани йўқ. Бир вақтлар республика Олий Кенгашига фуқаролардан тушган хатлар ва мурожаатларни таҳлил этишимга тўғри келганди. Қонунчиликни, фуқароларнинг ҳуқуқларини бузишларга доир кўпдан-кўп далиллар қалашиб ётибди. Одамлар энг юқори ташкилотларга аризалар йўллашмоқда. Демак район, шаҳар, вилоят идораларида уларга ёрдам беришмаган, саволларига жавоб қайтаришмаган. Ёки сизнинг табиатни қўриқлаш қонунчилигининг ижрочиси скигари жуда муҳим иш соҳангизни олиб кўрайлик. Муҳитнинг ифлосланиши, ер, сувнинг бузилиши, хуллас, табиат бизга мусаффо ҳолда ниъмат этган барча нарсаларининг булғаниши қўламлари ниҳоятда кенгайиб кетган. Мен бўрттириб юораётганим йўқми!

— Йўқ, асло. Афсуски аҳвол сиз тасвирлаб бергандек. Кўп ишлаётганимизга қарамай, шундай бўлаяпти. Фуқароларнинг шикоятлари ва аризаларини олиб кўрайлик. Амалдаги қонунчилик ижросини назорат остига олишда улар муҳим ўрин тутади. Агар бу ишнинг миқдорий томонига назар ташласак манзара қуйидагича: ярим йил мобайнида умумий назорат йўли билан прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг 18 мингдан зиёд шикоят ва аризаси кўриб чиқилди. Шундан қарийб 2,5 мингтаси қониқарли ҳал этилди, холос.

— Одамлар кўпроқ нимадан шикоят қилмоқдалар!

— Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилаётгани ҳақида шикоятлар кўп. Юзлаб текширувлар ўтказилди. Мансабдор шахслар қонунчиликни қўпол равишда бузганликлари аниқланди. Баъзиларига нисбатан қаттиқ жазо чоралари кўрилди. Фуқароларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган меҳнат ҳуқуқларини камситишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий саводсизлиги катта кулфатдир. Юридик хизматларимиз фаолиятсизлик кўрсатишаяпти. Амалдаги қонунлар ҳам мукаммал эмас. Лоақал республика жиноят мажмуи 151-моддасининг биринчи бандини олиб кўрайлик. Унда фуқароларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини қараб чиқиш тартиби бузилганда давлат ёки жамият манфаатларига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларига жиддий равишда зарар етказилган тақдирда жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. Бу ношуд раҳбарларга нисбатан қўлланилиши зарур бўлган муҳим моддадир. Аммо барча иллат шундаки, жиддий ёки арзимас зарар етказилганини аниқлаб берадиган мурват ва меъзонларнинг ўзи йўқ.

Жиноят мажмуи 141-моддаси ҳақида ҳам тахминан шундай гапларни айтиш мумкин. Унда меҳнат ҳақидаги қонунчилик бузилгани учун жавобгарликка тортиш кўзда тутилган. Фуқаро ишдан қонунсиз равишда бўшатиб юборилганини аниқлаш жуда қийин, баъзан эса умуман мумкин эмас. Ғаразли мақсад кўзланганини билиб бўлмайди. Қонунлардаги ноаниқликлар уларни мунтазам бузадиган раҳбарлар жавобгарликдан осонгина қутулиб қолишларига имкон яратади.

Энди экология ҳақида икки оғиз гап. Табиатга, атроф муҳитига муносабатда энг аввало умумий тарбиядаги иллатларимиз намоён бўлаяпти. Биз баъзан табиатдан, унинг инъомларидан кўзда ёш билан ҳайратланамиз. Баъзан эса уни телбаларча барбод этамиз, йўқ қилиб юборамиз. Учичи йўл бўлиши мумкин эмас. Биз табиатни қўриқлаш ҳақидаги қонунлар ижросини текшириш пайтида мингларча тартиб бузишларни аниқламоқдамиз. Кувасой цемент комбинати, «Фергананефтьоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарда атроф муҳити булғанаётганига доир жиддий далиллар очиб ташланди. Жиноий ишлар қўзғатилди. Ҳозир тергов олиб борилмоқда.

Кўпгина корхоналар, хўжаликлар раҳбарларининг масъулиятсизлиги ҳам экология соҳасида лозим даражада тартиб ўрнатишга ҳалақит бермоқда. Республикада табиатни муҳофаза қилувчи иншоотлар барпо этадиган ихтисослашган қурилиш ташкилотлари йўқ. Бу ишга ажратилаётган пул маблағлари узоқ вақт ўзлаштирилмай қолмоқда. Ўзбекистонда ҳозирча табиатни муҳофаза қилиш ҳақида қонун қабул қилинмаган.

— Ашаддий қонунбузарларни жамият яккалаб қўяди, озодликдан маҳрум этади. Бу масалада битта жиддий муаммо кўндаланг бўлиб қолмоқда: ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларидан қайтиб келган кўпчилик кишиларнинг қайта тарбияланишмагани, соддароқ қилиб айтганда тавба қилишмагани яққол кўринниб турибди. Улар яна жиноятга қўл урмоқдалар, ёт унсурлар сафини тўлдиришмоқда.

— Афсуслар бўлсинки, сиз ҳақсиз. Гап шундаки, жазони ўташ тизимига ҳам маъмурий-буйруқбозлик мурватининг кўпгина белгилари юққан, неча ўн йиллар мобайнида маҳкамачилик, сир тутиш, расмий натижаларга қараб иш юритишга зўр берилди. Бизда қамоққа маҳкум этилганларнинг турли тоифалари учун озодликдан маҳрум қилиш муддатларини ўташ шарт-шароитлари табақалаштирилмаган. Илк бор жиноятга қўл урганлар ҳам, ашаддий қонунбузарлар ҳам ёнма-ён сақланаверадилар. Умуман олганда тўғри ҳисобланган меҳнатда тарбиялаш принципи ахлоқ тузатиш муассасаларида ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси жуда пастлиги, уни ташкил этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш яхши йўлга қўйилмагани натижасида бузилаяпти. Ахлоқ тузатиш воситалари ҳуқуқбузарнинг шахсиятига қаратилмаган.

Шу соҳада амал қилаётган қонунчиликнинг жуда кўп моддаларини бутунлай ўзгартириш керак. Жазо ўташ шароити ва тартибини инсонпарварликка мослаштириш лозим. Илғари судланганларни ижтимоий жиҳатдан оқлашнинг пухта ишлаб чиқилган давлат дастури бўлиши зарур. Яна бир гап: республиканинг жазога маҳкум этилган фуқароларининг муддатни ўташ учун унинг ҳудудидан ташқарига юборишни қонун йўли билан манъ этиш, ҳозир олис жойларда қамоқ муддатини ўтаётганларни эса олиб келиш керак.

— Бўритош Мустафоевич, суҳбатимизда тилга олинган ҳуқуқий давлатни барпо этиш муаммосини Сиз прокуратура органлари фаолиятини яхшилаш зарурлиги билан боғладингиз. Соҳа кадрлари билан ишлаш ҳақида нималар дея оласиз!

— Кейинги йилларда республикада «пахта иши» келиб чиққанлиги муносабати билан кадрлар сиёсатида жиддий равишда ҳаддан ошишлар рўй берди, тартиббузишларга йўл қўйилди. Марказдан йўлланган, раҳбарлик лавозимларини эгаллаган кўплаб ходимлар маҳаллий кадрларга нотўғри, нохолис муносабатда бўлдилар. Неча ўнлаб ходимларимиз қонунга зид равишда жиноий жавобгарликка тортилишди, юзларча ходимлар эса ўйлаб топилган баҳоналар билан прокуратура органларидан бўшатиб юборилдилар. Юқоридан туриб кадрлар танлашга бундай нотўғри ёндашув маҳаллий миллат вакиллари ҳисобига уларни тайёрлаш ишига жиддий зиён етказди. Ҳозирги пайтда бу масалада анча-мунча муаммолар бор, ходимларимизнинг тўртдан бир қисми ёш мутахассислардир. Давлат тили ҳақидаги қонун талаблари, Ўзбекистон Республикасининг суверенлиги ва мустақиллиги, шунингдек унинг ҳудудида яшаб турган халқларнинг тарихи, маданияти ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди.

Ходимларимиз орасида, матбуот тили билан айтганда, «жиноятчи унсурлар билан тил бириктирган», шунингдек прокуратура органларига таниш-билишлик йўли билан кириб қолган тасодифий кишилар ҳам йўқ эмас. Бундай кадрлардан бутунлай қутулмасдан туриб, биз кўзкерак. Бу ишни эса мактаблар, бошқа ўқув юртлари дастурларини қайта кўриб чиқишдан бошламоқ зарур. Ҳуқуқни ўрганиш курсларини очиш лозим. Оммавий ахборот воситалари бу мавзуга катта эътибор берсалар, чакки бўлмасди. Бинобарин, бизга маълумки, майдони кичик, аҳолиси анча кам бўлган Эстония Республикасида ўндан ортиқ юридик рўзнома ва ойномалар чиқади. Бизда эса бирорта ҳам шунақа нашр йўқ. Фикр-мулоҳаза юритса арзийдиган далил бу.

— Нима ҳам дейиш мумкин: жуда фойдали, қизиқ ахборот билан ўртоқлашдингиз. Ишончим комилки, журналистлар бу таклифни қониқиш билан кутиб оладилар, баъзилари эса ўз ижодий режаларини амалга ошириш, қалбларига яқин ишни қилиш иштиёқида ёнсалар, ажаб эмас.

Агар ижозат берсангиз, энди сизга шахсий маънода бир неча савол билан мурожаат этсам.

Прокуроор бўлиш қийинми?

— Ҳа. Осон эмас, албатта. Аммо мен ўзимнинг юристлик касбимни яхши кўраман. Йигирма йилдан буён шу соҳадаман. Ўз салоҳиятим, лаёқатим, истеъдодим одамларга кўмаклашишда, деб биламан. Айниқса оддий, ҳалол, жабрланган кишиларга ёрдам бергим келади. Бундан ўзим лаззатланаман.

— Республика прокурори лавозимида ишлаётганингизга бир йилдан сал кўпроқ вақт бўлди. Пайқашимча, ана шу давр ичида сочларингизнинг оқи кўпайди. Сабабини изоҳлаб бера олмайсизми!

— Журналистлар жуда сезгир ва кузатувчан бўлишади-да, ҳеч нарсани назардан қочиришмайди... (Кулиб қўйди). Сочимнинг оқи кўпайиши ёшга боғлиқ. Оз эмас, бешинчи ўн йилликка қадам қўйдим.

— Ўлим жазоси ҳақидаги баҳс-мунозараларга шахсий муносабатингиз қандай! Жазонинг бу турини қолдирган маъқулми ёки бекор қилса тўғри бўладими!

— Ишончим комил: ёвузликни ёвузлик билан даволаб бўлмайди. Мен олий жазо бекор қилиниши тарафдориман.

— Оилангиз, ота-онангиз ҳақида маълумот берсангиз. Қариндош-уруғларингиз орасида ҳуқуқшунослар борми!

— Оиламизда фақат мен юристман. Олти фарзандим бор. Тўнғич қизим — бўлғуси шифокор. Ота-онам пенсионер ҳисобланишади. Хатирчи районидаги Ўртақишлоқда яшашади. Афсуски, уларни кўргани тез-тез боришнинг иложи йўқ.

— Учрашиб қолганингизда ота-онангиз сиздан кўпроқ нимани илтимос қилишади!

— Бирор одамга ёрдам беришни, асоссиз жазоланган, хўрланган одамнинг ёнини олишимни. Ҳамиша инсонпарвар, адолатли одамларга яқинроқ бўлишимни таъкидлашади.

— Ота-онангизнинг бундай насиҳатлари прокурорлик ишларингизда ўз аксини топаяптими, Сизга ёрдам бераяптими!

— Нафи кўп тегаяпти, деб ўйлайман.

Суҳбатдош: В. КИРЧЕВ.

Қалам учида алам

ҚАМОҚДА САҚЛАНАЁТГАН ЭРКИНЛИК



01-1008

Председателю Верховного Суда СССР
тов.Смоленцеву Е.А.

Уважаемый Евгений Алексеевич!

Многочисленные обращения в адрес руководства республики по делу Ахмаджона Адылова требуют очень внимательного рассмотрения этого очень непростого уголовного дела с учетом специфики республики и сложившихся реалий. Сам Адылов почти 6 лет находится под стражей без приговора и дело его настолько затянулось, что вызывает серьезные нарекания со стороны населения.

В связи с этим убедительно прошу Вас, уважаемый Евгений Алексеевич, передать рассмотрение этого дела в Верховный Суд Республики Узбекистан. Со своей стороны гарантирую обеспечить строгое соблюдение всех норм нашего законодательства.

С уважением
Президент
Республики Узбекистан И.Каримов

15 ноября 1991 года.

СССР Олий судининг раиси ўртоқ Е. А. СМОЛЕНЦЕВга
Ҳурматли Евгений Алексеевич!
Аҳмаджон Одилов иши юзасидан республика раҳбариятига қилинаётган кўпдан-кўп мурожаатларда ана шу мураккаб жиноий ишни республиканинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда вужудга келган воқеликларни ҳисобга олган ҳолда жуда диққат-эътибор билан қараб чиқиш талаби қўйилмоқда. Одиловнинг ўзи қариб 8 йилдан буён ҳукмсиз қамоқда сақланаяпти, унинг иши шу қадар чўзилиб кетдики, бу ҳолат аҳоли томонидан билдирилаётган жиддий таъналарга сабаб бўлмоқда.

Шу муносабат билан Сиздан, ҳурматли Евгений Алексеевич, мазкур ишни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судида ўтказишингизни қатъият ила сўрайман. Ўз навбатида қонунчилигимизнинг барча меъёрларига қатъий риоя қилинишига кафолат бераман.

Ҳурмат билан
Ўзбекистон Республикаси Президенти
1991 йил 15 ноябрь.
И. КАРИМОВ.

Мен уни умримда кўрмаганман, бинобарин — нону туз татиш нари турсин, ҳатто қўл бериб саломлашмаганман. Ёлғон бўлмасин: довруғи достонлигидан, бир вақтлар афсонавий қаҳрамон даражасига кўтарилганидан, рўзномалару ойномалар, ҳаво тўлқинларию ойнаи жаҳонда деярли танҳо даҳо каби арши аълога кўтарилганидан воқифман.

...Тарихий Ғурумсарой бунақасини сира кутмаганди. Автоматлар, милтиқлар билан қуролланган, ўқ ўтмас совутлар кийган бешолти юз чамаси аскарлар юзлаб автомобилларда, жумладан ўттизга яқин ўт ўчириш машиналарида мўрмалахдай ёпирилиб келишди-да, қишлоқни ўраб олишди. Мақсад — Аҳмаджон Одиловни ҳибс этиш. Қиёматнинг, даҳшатнинг ўзгинаси эди бу манзара. Ана шу машъум воқеа 1984 йилнинг 13 августида рўй берганди. Ўшанда эллик олтинчи ёзини ўтказаётганди.

Аввал бутун мамлакат, бора-бора кенг дунё шовшувга тўлди: XX асрнинг бош «жиноятчиси» қўлга тушибди. Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, ақлга сиғмайдиган воқеа-ҳодисалар, эртаклардагидек ваҳималар унинг гарданига юкланаверди. Меннг москвалик касбдошларимга худо берди: чинакам жаллод қиёфасидаги Борис Евгеньевич Свидерский бошчилик қилган тергов гуруҳи замонамизнинг Шерлок Холмсию капитан Мегресига айланди, бутун Ўзбекистон, умуман ўзбек миллати Аҳмаджон Одилов сиймосида ўғри, муттаҳам, талончи, ашаддий жиноятчи тарзида ифодаланди. Бунга ўзимизнинг «содиқ» киночиларимиз ҳам муносиб улуш қўшдилар. Тузимизни еб тузлуғимизга тупурган, бунинг эвазига (худонинг амри ила) Францияда ўлиб қолган Комил Икромов бу жараёнда «ташаббускор» бўлди. Ҳар гал СССР Олий Кенгашида Гдлян ва Ивановнинг манфур қилмишлари муҳокама этилиши олдидан ойнаи жаҳон ғирт кўзбўямачиликдан иборат мана шу ифлос фильмни атайлаб кўрсатганда боримдан йўқ бўлардим.

Етти йилу, уч ойу олти кундирки, бошидан дўпписини олиб қўймаган Аҳмаджон Одилов юртидан олисда — етмиш йилдан зиёд давр мобайнида инсон қисматига не-не кулфатлар солмаган тузум бешиги — Москвада. Мамлакатнинг бош қамоқхонаси — Бутирка зиндонида. Унинг таърифу тавсифи истибдодга, зулмга, қонли шўришларга қоришган. Бутиркани аёл бошига Екатерина II (1729—1796) қурдирган. Бундан нкки юз йил муқаддам. Унинг тагхоналарида Емельян Пугачёв, Феликс Дзержинский сақланганлар. Буниси ғўрга, аммо бизга «бахт» берган Октябрь тўнтаришигача, бу маҳбусхонада бирор ўзбек ётганётмаганлигини аниқлаб олмадим. Инқилоб «шарофати» ила унинг қоронғу, зах, расво катакларига миллатдошларимизнинг қадамлари тегди. Айниқса асримизнинг 30-йилларида ўзбекнинг дод-фарёди раҳмсиз, совуқ деворларга урилиб акси садо берди, бу нолани маҳбусларнинг ўзларигина эшитдилар, ташқи олам хабарсиз қолаверди.

Ашаддий сохтакор ва бераҳм Свидерский мазкур «иш»ни қўли остидаги иккки юздан ортиқ терговчилар билан олти ярим йилдан буён олиб бормоқда. Бунақаси сира учрамаган. Жами бир юз саксон киши қамалганди, ҳозир тўрт нафари қолди: Аҳмаджон Одилов, унинг укаси Мўминжон Одилов, Ўлмасбой Холдоров, салкам етмиш яшар Абдураҳмон Ҳамроқулов. Буларнинг бири райком секретари, иккинчиси совхоз директори, учинчиси бўлим бошқарувчиси. Собиқлар, албатта. Ҳаммаси бўлиб ҳар бири бўҳчадай-бўҳчадай уч юз жилддан иборат қоғозлар. Бир юз етмиш саккиз-тасини СССР Прокуратураси бекор қилди, бир юз йигирма иккитаси судга топширилди. Лак-лак одам Намангану, Попу бошқа жойлардан тўрт юз, беш юз марталаб Москвага чақирилди. Қайғу-алам, сарсонлик-саргардонлик, сарф-харажат қишлоқнинг, баъзан ўзларининг гарданларида.

Шу йил апрелда бошланган суд жараёни тобора чигаллашиб бормоқда. Аҳмаджон Одилов мардларча турибди. Суд мажлисини олиб бораётган Бризицкий, Нагорний, давлат қораловчиси Гусаков (бирови ҳам ўзбекчани билмаслиги аниқ) қандай ҳолга тушганликларини тасаввур этиш мумкин. Ҳимоячилар — Рустам Ёдгоров, Турсунбой Тожиевларнинг руҳлари баланд, ғалабага ишончлари комил.

— Одиловнинг бўйнига аввал юз миллион сўмни қўймоқчи бўлишди, кейин бу ўттиз миллионга, сўнгра ўн миллионга тушди, келибкелиб эндиликда бир миллион қолди. Суд терговнинг зарарига бузилиб бормоқда, — дейди Рустам Ёдгоров.

...Аҳмаджон Одиловнинг қисмати ҳақида ҳали кўп асарлар ёзилишига аминман. Шу сабабли ортиқча тафсилотга берилиб ўтирмайман. Жон-жонимдан, суяк-суягимдан ўтиб кетадигани шуки, ўзбек диёрининг фарзандлари мусофирликда, ҳибсда, азобуқубатда, жабру жафо исканжасида сақланмоқдалар. Улар жиноятчими, йўқми — бунисини суд айтади. Не бўлса ҳам терговнинг бу қадар чўзилишини тарих кўрмаган.

Ўтган олти ярим йил давомида биз сукут сақладик. Инсофсизларча, мутеларча, тобеларча сукут. Бугунги вазият бошқа. Республикамиз мустақиллиги эълон қилинди. Одамларимиз адолатни истаб овоз чиқармоқдалар. Шахсан мен, токи бирор ўзбек бошқа жойда ҳибсда сақланаётган экан, мустақиллигимизни чала деб ҳисоблайман ва уни қамоқда ётган мустақиллик дейман.

Ниҳоят, адолат қуёши чиқа бошлади. Президентимизнинг юқорида тасвири туширилган ва таржимаси берилган мактубини инсонпарварлик, одиллик, миллий қадриятимизни англаш намунаси, дейиш мумкин.

Аҳмаджон МУХТОРОВ.

БОШ МУҲАРРИР Аҳмаджон МУХТОРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй
Телефонлар: 32-09-87, 33-07-48. Индекс: 64608.
Буюртма № 6307. 118800 нусҳада чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 03.50. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12